

Оила ва жамият

ОИМАННИНГ УСТУНИ - ҲАЁ, МЕХР...

Энахон ва Муҳаммаджон Сиддиқовларнинг турмуш қурганларига ўттиз йилдан ошди. Улар Фарғона вилоятининг Водил қишлоғида яшайдилар.

Биз Энахон билан унинг қўни-қўшнилари иззаат-хурматини, салом-алигини олиб, чиройли дарвозадан баҳаво ҳовлига-гулу райхонлар чаманига кириб борамиз. Бу ҳовлида уйлар, айвонлар, ошхоналар нозик дид билан қулай, жуда камтарона қурилган. Дарвоқе, оиланинг бош эгаси Муҳаммаджон Сиддиқов қўли гул меъмор. Лойиҳасини ўзи чизиб, ўзи қурган бу уйлари. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига конструктор - меъмор у. Энахон Сиддиқова эса таниқли шоира.

Фарғоналик ижодкорлар уни "Онагул" деб эъзозлашади, ҳақиқатан ҳам у онадек меҳрибон, жонқуяр. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси сифатида таҳсинга лойиқ ишлар қилаёпти. Масалан, уюшма учун берилган кўримсиз, эски бинони тубдан қайта қурдириб, дид билан таъмирлатди. Қулай мебеллар, компьютер, телевизор, китоблар харид қилди. Атрофдаги 22 сотиҳ ерни ўзлаштириб, боғ яратаяпти. Уюшманинг "Қалб садоси" номли газетасини ташкил қилиб, уни сеvimли нашрга айлантирди. Мана энди бу кошона фарғоналик ёшу кекса ижодкорларнинг адабий учрашувлар, қизгин иходий мулоқотлар, китоб тақдиротлари ўтказилган суюкли марказига айланди. Бу ютуқларнинг барига албатта Энахон самимий муомаласи, ишнинг кўзини билиши, шахсий обрў-эътибори билан, тадбиркорлару саховатпеша инсонларни ишга солиб эришди... Унинг бошчилигида Фарғонанинг газалхон шоирлари Хазиний, Хувайдо, Увайсий, Завқий кўнлари ўтказилди. Академик шоир Фафур Фуломнинг бир асрлик тўйи Фарғонада ҳам кенг нишонланди. Бу гул диёрнинг суюкли шоири Охунжон Ҳакимовнинг 70 ёши тантана қилинди. Уюшма қошида "Олтин қалам" тўғраги ҳаракатда ва унинг натижаси ўлароқ бир қатор ёш қаламкашларнинг илк китоблари нашр этилди. Ижодкорлардан, айниқса кексалардан хабар олиш, соғлиги ҳақида қайғуриш Энахоннинг ёдидан чиқмайди. Бу фи-



доийликларнинг барида уюшма мутахассиси Манзураҳон Эргашова Энахонга яқин ёрдамчи...

Дарвоқе, Энахоннинг оиласи ҳақида икки оғиз. Аввало эр-хотин юриш-туриш, муомалада фарзандларига ўрнак. Нилуфархон, Ферузахон қизлари олий маълумот олишиб, пазандалигу чеварлиқни ўрганишиб, яхши оилаларга келин бўлишди. Икки фарзандли Нилуфархон диссертация ёқлаб, педагогика фанлари номзоди унвонига эришди. Турмуш ўртоғи Акмалжон иқтисод фанлари номзоди, Фарғона Давлат университетидида дарс беришади. Ферузахон ва турмуш ўртоғи Жаҳонгир икковлари ҳам ҳуқуқшунос.

Кудаларим—муаллима Раънохоним ва математика фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Уриновлар ҳамда Фазилахон ва ўқитувчи Эркин ака ўрмонлардан беҳад миннатдорим, - дейди Энахон. - Қизларимнинг ўсиб-унишига, ҳаётда, илмда ўз йўлларини топиб олишларига кўп ёрдам беришади, қўллаб-қувватлашади. Илоҳим, соғу са-



ломат бўлишин!.. Энахоннинг Нигора кизи вилоят "Камолот" жамғармасида мутахассис. Айни вақтда қўли гул чевар, "Элита" пардаларининг устаси.

Кенжатойим Моҳинур ҳам ўқувли чиқди. 6-синфни битирди. У хорижда билим олишни, яхши шоира, зўр таржимон бўлишни орзу қилади. Инглиз тилини ўрганаёпти, - дейди Энахон.

Буларнинг яқка-ю ягона ўғиллари Мардонбек эсли-хушли йигит, университетда талаба.

Энахон меҳри, ибод-ҳаёси, оиласи, қайнона-қайнотасини эъзозлаш эвазига обрў-эътибор топди. Эл назарига тушди. Унлаб китоблари ўқувчилар қалбдундесидан жой олишга улгурди.

Ҳа, агар аёл истаса, меҳрни, ибод-ҳаёни шоири деб билса ва эркак киши мард бўлиб, аёлни қўллаб-қувватласа бундай оилада файзу барака бўлади.

Санъат МАҲМУДОВА,
Халқаро "Олтин қалам" танлови ғолиби.



ОНА ВАТАН

*Сен манимсан, бизимсан,
Энг ёруғ юлдузимсан.
Мозий билан тиллашган
Ўқ томир илдизимсан.
Қўлимдаги тор - Ватан,
Дилимдаги ёр - Ватан.*

*Қўнглимни қилдим бозор
Сендан ўзга кимим бор?
Тупроғингни зар қилган
Юраги сим-симим бор.
Фарзандлари сор - Ватан,
Кўкси тоғ, Ойқор - Ватан.*

*Сендан тонган тош бўлсин,
Қўзлариди ёш бўлсин.
Ғарибликда бир умр
Бардоши талош бўлсин.
Қатордаги нор - Ватан,
Ўзанг сарбадор - Ватан.*

*Раъзингдир моҳи тобон
Хилғат беқасам чопон.
Сандан ўзин излайди
Олмон, хун, чини япон.
Мозийи асрор - Ватан,
Кўрсатил дийдор - Ватан.*

*Бағринг тарихдир қадим,
Қўёш - зар, тилло қатим.
Юрагимнинг баёти
Келажакка дастхатим.
Ўзинг номус-ор - Ватан,
Ҳам суюқ дилдор - Ватан.*

*Оқаради тонг юзи
Чўлда чўпоннинг изи.
Қиқирлаб кулиб келар
Қирдан қизгалдоқ қизи.
Офтоблари бор - Ватан,
Бир парирухсор - Ватан.*

*Чақиндай елар замон,
Ўтар чин, ўтар ёлеон.
Минг йилда бир келарминш
Элга бош бундай ўлеон.
Тағингда тулпор - Ватан,
Фарзандинг шунқор - Ватан.*

*Илжим шул ўзимга,
Халқим - қора кўзимга.
Бизлардан озод Ватан
Қолсин ўғил-қизимга.
Бўй-баста чинор - Ватан,
Бир умр пойдор - Ватан.*

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд шахри.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг август ойида имзоланган "Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши борасидаги чоратадбирлар тўғрисидаги" қарорини ҳамда бу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш, темир танқислиги анемияси, йод танқислиги ҳолати ва А витамини етишмаслигининг олдини олиш ҳамда кенг омма орасида ушбу салбий ҳолатлардан сақланиш бўйича ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида "Унни бойитиш бўйича Миллий дастурни матбуот, телевидение, ва радиода ёритиш бўйича биринчи Миллий мукофот" танлови ўтказилган эди.

Миллий матбуот марказида ана шу танловни иккинчи бор ўтказишга бағишланган расмий тақдирот маросимини

бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари иходий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Рустам Хайдаров, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти Анемия марказининг директори Дилором Сулаймонова, Унни бойитиш бўйича миллий дастур менежери Олим Мирхошимовлар танловнинг аҳамияти, унинг шартлари, мавзунини ёритиш жараёнида журналистлар эътибор қаратишлари зарур бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритишди.

"Унни бойитиш бўйича Миллий дастурни матбуот, телевидение ва радиода ёритиш бўйича иккинчи Миллий мукофот" танлови 6 та йўналишда ўтказилиб, ғолиблар 2007 йил феврал ойида эълон қилинади.
МАЛОҲАТ МУМИНОВА

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси саъй-ҳаракати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида янги спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

ТАХТАКЎПИРДА ЯНГИ СТАДИОН

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Тахтакўпир туманида қарий икки ярим минг нафар мактаб ўқувчи спорт билан шуғулланмоқда. Туман марказида 25 миллион сўмлик маблағ эвазига қуриб битказилган болалар спорт майдончаси бу борадаги имкони-

ятларни янада кенгайтириши шубҳасиз. Майдоннинг тантанали очилиш маросимидан сўнг футбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионатининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

ПИРУ-БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Яккабоғлик Дамин ота Шомуродов — 80 ёшда! У кишининг отаси Бекмурод бобо Шомуродов эса юзни урган! Қойил, демай иложининг йўқ: бундай саодат ҳар кимга ҳам nasib этавермайди, ахир! Бекмурод бобонинг 12 нафар фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини толган. Юздан ортиқ неварачеваралар

қуршовида бўлган отахон том маънода пиру-бадавлатдир.

Яккабоғда ана шундай пиру-бадавлат отахонлар кўп. Бекмурод бобонинг фарзандлари ҳам ана шу мақомга етиб қолишган. Яна 75 ёшни қаршилаган Хусан ота Узоқов ҳам бор: 9 нафар фарзанд, 30 дан ортиқ неварачеваранинг суюкли бобоси! Иқбол момо билан бир ёстиққа бош қўйганига

50 йил бўлди. Эски Яккабоғ кўрғончаси фуқаролар йиғини раиси Умар Назаровнинг таъкидлашича, бу ерда яшайдиган 18 минг нафар аҳоли ана шундай пиру-бадавлат кексалар билан фахрланишади. Фахрланмай бўладими, ахир?! Кексаларнинг дуоси - ихобат, дейдилар. Ортимиздаги тўқинлик ўша отахонларнинг дуосидан бўлса, не ажаб?!
Шавкат СУЛТОНОВ,
"Туркистон-пресс"



ЕТАКЧИННИНГ ОДДИЙ КУНИ

маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Санобар Саъдуллаева кириб келди.

- Маҳалламизда икки ёшнинг тўйини ўтказаямиз. Иккаласи ҳам... етим. Тўйга маҳалламиздан саховатпеша инсонлар хомийлик қилишарми. Шанба кuni тўй.

- Жуда яхши бўпти-да, - Хадича опанинг юзлари ёришиб кетди.

Телефон жиринглади. "Авиация" маҳалласи маслаҳатчиси Сарвижамол Иброҳимова раисани маҳалласига таклиф қилаётган эди. Маҳалладаги кайвони аёлларни йиғиб, суҳбат ўтказишмоқчи экан. "Шу онахон етмиш ёшдан ўтган бўлса ҳам ишлари бошқаларга ибрат бўлгудай. Ўқитувчилиги, кўп йиллар раҳбар лавозимларда ишлаганили, эл орасидаги ҳурмати иш берапти. Шу маҳаллада маслаҳатчиларни йиғиб кенгайтирилган семинар ўтказиб олсак, яхши бўлар эди. Яқинда "Пахтачи" овулида ўтказилган семинардан аёлларимиз анча нарсаларни ўрганишди".

Тўрткўл туманида бугунги кунда 164 мингдан кўп аҳоли истиқомат қилса, шуларнинг 81 мингдан зиёда аёл-қизлар. Яқинда маслаҳатчилар оилаларда тарбияланаётган бир ёшгача бўлган гўдаклар рўйхатини олиб, уларнинг қандай тарбияланиб, овқатлантирилиши, бешикда қанча вақт ётишича, ором олишига ўрганишди. Албатта, бу ишларни бажариш машаққати маслаҳатчиларнинг

ўзларигагина аён. Лекин ишнинг завқли, кўпчилик орасида бўлишдек томонлари, ёшлар тарбиясига улш қўшишдек масъулияти маслаҳатчиларни ҳар дақиқада ўқиб-ўрганишга чорламоқда.

- Хадича Ражанбаевна, Шўра-хонга кетаётган эдик, машина тайёр, - ҳокимлик ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Надежда Черикаева хонга кириб келди, - "Лочин"дан хабар олиб келамиз. "Лочин" болалар оромгоҳида ҳар йили ёзги таътил кунларида 1000 дан зиёдрок ўғил-қизлар дам олишади. Туман ҳокимининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раҳбари сифатида у ёшлар билан бўла-қаб суҳбат мавзусини ҳам ён дафтарида қайд қилиб олган эди. Кўмита раисининг ҳар бир кuni ана шундай, тез ва шиддат билан ўтиб бораётгандай.

- Баъзан ўйлаб қоламан, кунлар тез ўтиб кетади, дейман. Яхшиям кўмитамизнинг етти нафар Раёсат аъзоси, ўттиз нафар Пленум аъзоси, жойлардаги бошланғич ташиклотларимиз бор. Бизни ҳар қадамда қўллаб келаётган Дурхоним Сейитниёзова, Клара Сержонова, Ёқутжон Ишмуротова, Лола Оллашукурова, Марям Кашаева каби хотин-қизларимиз бор. Биргалликда, аҳил бўлиб ишлашга ҳаракат қиламиз. Олдимиздаги яхши ниятларимиз рўйи ҳам кўпчилик билан биргалликда амалга ошади, - дейди Хадичаев. **САНОВАР, К. ЮНУСОВА.**

Тўрткўл туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Хадича Ибодуллаева идорага кириб келаркан, бугун бажарилиши керак бўлган юмушларни бир-бир ҳаёлидан ўтказа бошлади. Иш кuni, иш соатлари жуда тигиз. Ҳокимликда бўладиган йиғилишга ҳоким ўринбосари сифатида албатта қатнашиши шарт.

Яна... "Тўрткўл пилла" ҳиссадорлик жамияти раиси Кўчкор Султонов "Экосан" жамғармаси раиси Бахтиёр Жалғасов бир неча тегишли ташкилотлар вакиллари билан кенгашиб олиш керак. Кuni кеча кўмита тасдиқлаган режага кўра маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича йиғилишлар ўтказиш белгилаб олинди. У ҳар кuni ҳеч бўлмаганда иккита маҳаллага бориб, аёл-қизларнинг фикрини эшитиши, қалбларига қулоқ тутиши керак. Туман ҳудуди улкан. У ёғи бепоён Қизилқум, бу ёғи Мискан овул фуқаролар йиғини, барчасига бориб улгуриши, вақтдан унумли фойдаланиши керак. - Ассалому алайкум, мумкинми? - хонга шўх қилиб "Янгибод" маҳалласи диний



маси яхши бўлади, - деди маслаҳатчи аёлга таскин бериб.

"Энди маҳалладаги ногирон фарзанди билан қийналиб қолган Пошшо опаникидан хабар олиш керак..." деб йўлга отланди маслаҳатчи. Яқинда Пошшо опа анча катта бўлиб қолган ўғлини кўтариб юриш қийин бўлаётгани хақида айтганди. Маҳалла оқсоқоли Эркин ака билан ҳокимиятга бу ҳақда ҳужжат тайёрлаб, йигитча-

халласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулчехра Қаримованинг қундалиқ дафтарида қоралаб қўйилган яхши-ёмон оилаларнинг рўйхати, ёрдамга муҳтожлар ва саховатпешаларнинг манзили, қилинган ва қилинажак режаларни ўқийман:

"Ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш" бўйича республика репродуктив саломатлик маркази, ҳудудий поликлиника билан ҳамкорликда иш

ЭЛ ДАРДУ ҚУВОНЧИГА ШЕРИК...

Тортинибгина хонга кириб келган 40 ёшлардаги жувон Гулчехра опага "дарди"ни очди: - 2-3 кундан буён жиянимнинг қайнонаси кўнгирок қилиб: "Қизингизни кўч-кўрони билан олиб кетингла. Ўғлимни бошқа уйлантираман", деб хуноб қилди.

- Нима гап экан? - сўради маслаҳатчи.

- 10 йилдан буён бирон гап чиқмаганди. 4 фарзанди бор. Ораларидан оламушук ўтиб қолган шекилли...

- Кўвнинг маҳалласи фуқаролар йиғинига мурожаат қилдингизми?

- Йўқ. - Аввало қайнона билан гаплашсинг. Муросаларингиз келишмаса, уларнинг маҳалла фаолларига билдиринг. Ҳам-

га ногиронлик аравачаси олиб берди.

Йўл-йўлакай Аминахонни ҳам бирров йўқлаб чиқмоқчи бўлди. Чунки эри бир кун аввал ичиб келиб, роса "хунар" кўрсатган экан. Гулдай 4 фарзандлари бор. Эракнинг ичкиликка ружў қўйгани оилани нотинч қилиб қўйди.

- Опа, бу аҳволда ажрашиб кетаман, - дея тўкилди опани кўра солиб, "тўлиб" турган аёл.

- Хай, хай, шайтонга хай беринг, қоқиндик, - жувонни тинчлантириди кайвони. Сизни ким айтиди, ўқиган, "кўзи очик" аёл деб! Тадбир билан иш тутайлик! Эрингизни даволатайлик.

Гулчехра опа жувон билан хайрлашаркан, дўхтирга бирга боришни келишиб, кунини тайинлади. Юнусобод тумани "Октепа" ма-


олиб борилди". "Маҳаллада янги тикув чеҳи очилиб, 12 киши иш билан таъминланди". "Энг китобхон оила", "Маҳалланинг намунали кизи". "Оила - маънавият ўчоғи" сингари танловлар уюштирилди..."

Ҳа, маҳалладаги катта-кичикнинг қувончи - Гулчехра опанинг байрами. Фамига ғамдош у, Раҳматли турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, шу маҳалладошлари уни қўллади, 10 фарзандига меҳрибонлик кўрсатишди. Букун фарзандлари вояга етиб, улар хизматиде. Маслаҳатчининг ўзи эса шу халққа сингиб кетган. **Санобар ФАХРИДИНОВА.**

Иқтидорли хонанда Нигина Исмаилова асли қадимий Самарқанд шаҳридан бўлиб, зиёли оилада таваллуд толган.

Тилло ака ва Барнохон опа Исмаиловлар оиласида ўн тўртта фарзанд бўлиб, уларнинг кўпчилиги санъатни, айниқса, мусиқа қилиб, қўшиқ ва рақсга тушишни яхши кўрардилар. Тилло ака қизи Нигинадаги қўшиққа бўлган ҳавасни, ширали ва жарангдор овозини сезиб, унинг мусиқа соҳасида билим олишига ёрдам берди.

Шундай қилиб, Нигина мактабда устози, мусиқа ўқитувчиси Эътибор Алиқуловдан халқ қўшиқларини қуйлашнинг илк



ҚЎШИҚ ҚУЙЛАБ...

сирларини ўргатди... У Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида таҳсил олди. Бу ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Ҳалимжон Жўраев ва институт профессори, бастакор Раҳматжон Турсуновлардан қўшиқ айтиш сирларини чуқур ўрганди.

Ҳалимжон Жўраев мусикаси ва Роқим ғазали билан айтиладиган "Қўшиқ ўлмас шод" қўшиғи Ўзбекистон радиосининг "Олтин фонд"дан ҳай олди. Шундан сўнг хонанда ўнлаб янги қўшиқлар устида тинмай изланди ва улар радио фонотекасидан жой олди. Ўзбекистон халқ артисти, устоз санъаткор Олмаҳон Ҳайитованинг "Онам дерман!" қўшиғи халқимиз томонидан кўп йиллардан буён ҳамон севиб тингланади. Мана шу қўшиқни ижро этишдан олдин, ҳурмат юзасидан опадан руҳат сураганида, бундан Олмаҳон опа хурсанд бўлиб, Нигинага оқ фотиҳа бер-

ди. Бу қўшиқни Нигина телевидение орқали ўзига хос маҳорат билан қуйлаб чиқди.

Қўшиқ муҳлисларга маъқул бўлди.

Хонанда ижросидаги "Қаро соҳлар", "Тасаддуғинг", "Омон ёр", "Ҳайрон мен ўзим" каби қўшиқлар ҳам ўз тингловчиларини топди. Бу қўшиқларда инсон орзу-умидлари, ар-

монлари, шодлиғи ва қувончлари қуйланди.

- Халқимиз санъатни теран тушунади, кадрлайди. Диди баланд ва нозик таъб юртдошларимизга манзур қўшиқлар яратиш осон эмас. Лекин айнан шу талаб бизни янада кўпроқ элзанишга ундайди. Яқинда мен Залим ғазали билан айтиладиган "Қолмади" номли янги қўшиқ тайёрладим. Максатим халқимизга манзур, гўзал ва мумтоз қўшиқлар яратишдир, - дейди Нигинахон. **Муҳаммаджон ҚОЗОҚБЕВ**



Малоҳат Эргашева 32 йилдирки Қарши шаҳридаги педагогика коллежиде бўлгани ўқитувчиларга педагогика фанидан сабоқ бериб келмоқда. У бўлгани ўқитувчиларни тарбиялаш учун

жуда катта ишлар олиб бормоқда. Соҳибқирон Амир Темур, Ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий каби улғу муҳаддис ва яшутахид уламолар, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино сингари қомусий алломаларнинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаларини, ўғитларини ўқувчиларга мунтазам равишда сингдириб келмоқда.

М. Эргашева зиякорлар сулоласидан. "Мен ўзимдаги барча яхши сифатларни аввало ота-онамдан, сўнгра 32 йиллик педагогик фаолиятим давомида коллеж жамоасидан олганман", - дейди, у. **Бўритиш НОСИРОВА, Қарши шаҳри.**



Гулчехра Мирзаева 12 йилдан буён Бухоро вилоят телевидениеси муҳаррири бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг «Банк ва миҳоз», «Соғлиғимиз-бойлиғимиз», «Бугуннинг одамлари» муаллифлик кўрсатувлари ўз муҳлисларига эга. **СУРАТДА:** Гулчехра Мирзаева навбатдаги қаҳрамони-меҳнат фаҳрийси Саломат Фаниева билан.

ЯКИН ДЎСЛАТИМ, СИРДОШИМ...



севган газетамни шошганча олдим. Бу онам учун бебаҳо совға эди. Менинг илк мақолам меники эмас, онамларники. Чунки онажоним бир умр ўқитувчи, журналист бўлишни орзу қилган эканлар-у, афсус, бу армон бўлиб қолган экан. "Тошкент-Шахрисабз" манзили бўйича қат-

найдиган автобусга чиқдим. Бир оздан сўнг 35-38 ёшлардаги аёл фарзанди билан келиб ёнимга жойлашди.

Автобус салонида газета сотувчи бола кўтарилди. Ёнимдаги болакай ойисига ялинди:

- Ойи, газета оберинг.

- Эй, газетани нима қиласан, ҳозир мороженое, курт олиб бераман, - деди аёл жеркиб.

- Узр, опа, газета олиб бера қолинг, унда болаларбоп эртақлар, қизиқ воқеалар ёзилган бўлади, - дедим уларнинг гапига аралашиб.

- Ўзи газета ўқимайман-у, ҳам майли, қайси газетани олсам экан? - деди аёл.

- Опа, "Оила ва жамият"ни ола қолинг, жуда яхши газета, - дедим қатъият билан.

Опа газетани сотиб олди ва ўғилчасига тутқазди. Болакай хурсанд. Автобус кўзгалди. Сухбатимиз қизиди. Опа негадир ҳўжайинининг иши орқага кетганлиги учун ҳозир ноиложликдан тижорат билан шўғулланаётганлигиндан нолиб қолди. Эри билан тез-тез жанжаллашиб уйига кетиб қолишини ҳам айтиди суҳбат давомида. Мен эса жимгина тингладим. Насихат қилишга ёшлик қиламан. Шунинг учун онани газетадаги мақолани

Оила ва жамият 15
менинг ҳаётимда

ўқитишга уриниб кўрмоқчи бўлдим.

- Опа, газета ўқийсизми? - дедим газетани сумкамдан оларканман. - Қаранг, бу ерда "Эркакнинг топгани барака", дейилибдими, келинг биргаликда ўқиймиз.

Опа, газетани мендан олиб ўқий кетди.

- Вой қаранг, бу мақолани талаба қиз ёзган экан, вой тавба, ҳаммаси тўғри-я, қойил.

- Опа сизга ёқдимми?

- Бу ерда эркакнинг чўнтагини қовлаш оиладан баракани учиради, гуноҳ дейилибди. Балки шунинг учун ҳозир аҳволимиз шундай бўлиб қолганми, - опа мақоладаги гапларни таҳлил қила кетди. - Эрим ишламай уйда ўтирса, жанжал қилардим, мен пул топаяпман, деб. Тўғриси, эримга қачон қулиб қараганимни ҳам билмайман. Эринг сенинг иккинчи ярминг, иккинчи кўзинг дейишибди. Мен ҳўжайинимнинг чўнтагини қовлаб, пулларни олиб кўярдим, кейин жанжал бўларди. Энди уйга борсам бундай қилмайман.

Опа бошқа мақолаларни ҳам қизиқиш билан ўқиди. Мен эса синчиклаб кузатдим ва узр сўраб, бояги мақолани муаллифи мен эканимни айтдим. Аёлнинг кўзлари порлади. Ишониб-ишонмай кучоқлаб юзимдан ўпди. Мен эса опанинг дунёқарши ўзгарганидан шод эдим.

2 Малоҳат. Исми жисмига монанд. Икки ўрим қора сочи бўйи баробар. Уни севгучилар кўп эди. У 16 ёшда...

Бир куни қулоғи орғиб қолди. Онаси кўшни хотинларнинг маслаҳатига кўра, қизининг "додвой"га қарамаздан қулоғига иссиқ асал эритиб қўйди. Иссиқ асал ўз таъсирини кўрсатди - у мия қон томирларини зарарлаб, Малоҳатни бир умрга қар қилиб қўйди.

Эшитишга эшитадийу, ammo жуда қаттиқ овоз билан гапирилсагина. Бирин-кетин опалари учирма бўлишди. Навбат итган қизини ота-она "тенгтенги билан" деганларидек, бир қўли туғма йўқ, протезли болага беришди. Хунарли, ўзига пишик уста бўлган бу йигит билан дастлаб яхши яшашди. Орада 5 нафар соғлом фарзандлар кўришди, кейинчалик эри ёмон аёлларга ялашибди, уйдан кетиб қолди. Малоҳат 5 фарзанд билан квартиранда ёлғиз ўзи қолди. Яхшиям қўлида чеварчилик хунари бор экан. Қўшнларнинг кўрпа-тўшагини

тикти, чопон қавиди, кечаси билан олган буюртмаларни тикиб, элнинг озига тушди. "Нима бўлсам болалар оч қолмасин, ҳеч қимдан кам бўлмасин", деб... Ёзи таътилда қишлоққа бордим. Малоҳат холаникига ҳам кириб, жавонидан тўла турган газеталарни бир-бир варақладим. Барчаси "Оила ва жамият" газетаси!

- Ўзингиз қийналиб яшайсизу олишга қийналмадингизми бу газеталарни? - деб сўрадим.

- Уларни тиллога ҳам алишмайман. Баъзи бир сонларни сотиб олиш учун ҳатто кечаю кундуз ишлаган пайтларим бўлган. Қиш кунларининг бирини касал бўлиб, ётиб қолдим... Болалар оч қолишди. Бир томондан уларнинг оч қолганлигидан, қолаверса, газета сотиб ололмаганимдан аччиқ-аччиқ йиғладим. 9-синфда ўқийдиган Моҳиғул қизим шу кун мактабга бормасдан, ошхонада идиш-товуқ ювибди. Кечга яқин қўлида нон, егуликлар ва газета билан кириб қолди. "Сизга доридан кўра газета дори, деб олиб келдим", дейди.

Бу газета мени ҳаётда ушлаб туради, юрагимга таскин беради. Сирдошимдек у билан гаплашадан, - дейди-ю, чиройли табассум қилади Малоҳат хола. Бу дил изхорига мен ҳам қўшиламан...

1 1-курсдан то ҳозирга қадар ушбу газетада яқинларим, курсдошларимни туғилган кунлари билан табриклаб, ўзларига қутилмаган "сюрприз" қилиб бораман. Уларнинг қувончидан жудаям завқланаман. Онажонимнинг туғилган кунларига табрик бергани тахририятга бордим, яна ўзим ёзган мақолаларимни ҳам илова қилдим. Бирни талабалар ҳаётига доир, яна бири оилавий масалага оид. Келаётган ҳафтадаги сонда мақолам чиқишидан хурсанд бўлиб учиб юрдим, гўё...

Кун санайман, ахир шу ҳафтада онажонимнинг туғилган кунлари ва илк мақолам... Ҳаяжон ва иштиёқ билан кутдим шу кунни... Ва ниҳоят пайшанба. Бу тонг бошқача уйғондим. Оллоҳдан онамга, оиламизга, юртимизга, ҳаммага эзгулик сўрадим ва табриклаб келиш учун Шахрисабзга отландим. Киоскадан

3 "Наврўз" арафасида уйга отландим ва ўзим билан "Оила ва жамият" газетасини ҳам олдим. Чунки унда бизнинг ҳўжайинимизга оид фойдали маслаҳат чоп этилган бўлиб, агар ота-онам рози бўлиб, шу усулни синая кўрмоқчи эдим. Дала ишларига ёрдам берарканман, отам:

- Ҳозир картошка яхши-ю, лекин орадан 10-15 кун ўтиб, бу барглардан асар ҳам қолмайди-да. Колорада кўнғизи босиб, вайрон қилади. Дори ҳам фалон пул, -деб қолди.

Ўзи айнан шу масалада уйга келганимни эсладим қўлимдан иш қуролими ташлаб, газетани олиб чиқиб, отамга тутқаздим. Отам ажабланиб газетани ўқий бошлади. Бирдан чехралари ёришиб:

- Синаб кўрсакмикан, ҳозир айни вақти экан. Картошкага жўяк олишдан олдин райхон экиш керак экан, - дедилар қулиб. - Момонг анча ерга райхон уруғларини сепган эди, кўчат тайёр, етмаганига уруғи-

ни сепамиз.

Шу кунни оиламиз билан картошкада ишладим. Эртаси кунчи ҳам, индинга ҳам... 3 кун ичиде 2,5 гектар жойдаги картошкага жўяк олдик. 30-40 см. оралиги билан жўяклар ораси картошка бўғизига тупрокда райхон-нозбўй кўчатларини ўтқаздик. Етмаганига уруғини экиб чиқдик.

Далада тўт соясида қозонда овқат қилаётган онам хайрон бўлиб бизга қараб:

- Қандай бўларкан? - дерди.

- То мен ўқишга қайтгунча райхонлар ўзини тутиб, картошка билан "иноқлашиб" кетишди.

Кейин мен ўқишга қайтдим.

Бу орада уйимизда отамнинг "гап"и бўлибди. Отамнинг ўртоқлари кўм-кўк бўлиб турган картошкаларни, бақлажонларни кўриб, ажабланиб сўрашибди:

- Ўртоқ, нега сенинг томорқангдаги экинларинг яхши? Колорада кўнғизи ҳам йўқ. Бизнинг картошканинг фақат пояси қолди, холос? Дорини ҳам қайта-қайта сепдик, барибир фойдаси йўқ...

Отам ўртоғи Файзулло акага,

картошка жўякларни ичиде 10 метр юришни айтибди. Файзулло ака 15 метр ҳам юриб ҳеч нарса ни сезмабдилар. Шунда отам:

- Экилган райхон шохидан сиңдириб ўртоғининг чаккаларига, қулоқларига тақибди ҳамки, у қиши ҳеч нарса ни сезмабди.

- Эй, ўртоқ, мен бу йил картошка куртига қарши зўр дори топдим. У шунчалик зўр дорики, сенга ҳам, соғлигингга ҳам, ҳавога ҳам, чўнтагинга ҳам зарар қилмайди. Ошхонангга ҳам, ўзингга ҳам фойда у...

- Номини экан ўша дори-нинг? - ажабланибди ўртоғи.

- Қизим пойтахтдан айни шу очоқат колорада кўнғизи учун олиб келибди. Дори шу ерда экану, лекин рецепти пойтахтда экан.

- Номини айтсанг-чи, номини...

Онам ўчоқда шен дамлаб, бу икки ўртоққа ҳаваси келиб, қулиб қараб тураркан, отам онамга қўзини қисиб дебди:

- Номини "Оилжамидилрайхон"!

- Нима?! Янги доримикан?!

Нархи қанча экан?

- Нархи унчалик қиммат эмас

экан. Пойтахтда "Олой" бозори ёнида бир цех бўлиб, 7-8 киши ишларкан. Бошлиғи аёл киши экан. Ҳар бир дорининг нархи 250 сўм экан.

- Кел, ҳазиллашмасанг-чи, ўртоқ! Мен сендан жиддий сўраяпман. Қизингга айт, менга ҳам шу доридан келтириб берсин. Нархи қанча бўлсаям оламан! - дебди.

Отам ва онам хандон отиб микириб қулишибди. Отам китоб жавонидан дори рецепти ёзилган "Оила ва жамият" газетасини олиб чиқиб, ўртоғига бериб:

- Ўқи, билиб ол, жумбоқнинг калитини топ, - дебди.

Файзулло ака ҳеч нарсага туншунмай, газета ўқишга тушиб кетибди. Кейин:

- Йўғ-э, нахотки, - деб ўқирмишу, картошка даласига қарармиш.

- Мен ҳам келгуси йил бу усулни синая кўраман. Агар яхши самара берса, сени ўз ёнимдан Тошкент телеминорасига олиб чиқаман, - дебди.

Шу йили ҳосил яхши бўлди. Опамнинг тўйини ўтқаздик. Рай-

хонларни ўрнида қолдириб, картошкани кавлаб олишиб, ўрнига бақлажон экишибди. Райхонларни кесиб олишиб, қуриштирди. Онам уни қуртга солади. Яна ўсиб чиққан райхонлар иккинчи йилги экинни ҳам асрабди.

Бу йил Файзулло ака ҳам бу синов-тажрибадан фойдаланибди. Бу усул яхши бўлган шекилли, яқинда икки ўртоқ пойтахтга келиб, Тошкент телеминорасига чиқишди, мен ҳам уларга ҳамроҳ бўлдим. Яхши таасуротлар билан қайтишаркан, уларнинг қулгусига қул-

гу қўшиш мақсадида ҳамда хотираларида қолиши учун ўзларига билдирмасдан "Олой" бозорига бошлаб бордим. Бозорни томоша қилиб, дори рецепти тайёрланадиган "цех" - тахририят биносини кўрсатдим. Уларнинг чехрасида севинч балқиди. Матбуот дўконидан газетанинги янги сонини оларканман, улар: "Оилжамидилрайхон", - дейишди қулиб.

4 Гулруҳнинг кўнгли ярим, армонли... Чунки унинг бир оёғи протез. Баъзан ҳаётдан тўйиб кетади, гоҳо овутаман, гоҳо қўшилиб йиғлайман.

Нима бўлди-ю, ясама протез оёғи кишкунни совуққа ишдан чиқди. У ётоқхонада турарди, мен эса квартирада. Кечқурун телефон қилиб, воқеани тушунтирдим. Кун совуқ ва қоронғу эди. Такси тутатдим-у, ётоқхонадан дугонанимни кўтариб чиқиб, касалхонага жўнадим. Шифокорлар кўриб, етти ҳафта даво-

ланиб чиқиши кераклигини айтишди. У: "Йўқ, ўқимини нима бўлади?" - дерди. Уни касалхонада қолишга кўндирдим.

Пайшанбада унинг туғилган куну. У бўлса, касалхонада. Институтимиз кутубхоначиси Лола опадан унинг кутубхонага аъзолик билетини бериб туришни сўрадим. Гулруҳнинг сурати бор эди. Тезда "Оила ва жамият" газетаси тахририятга бордим ва чиройли тўрт қатор шўёр ижод қилдим-у, "Табриклаймиз-қутлаймиз" бўлимига топширдим.

Пайшанба куну матбуот дўконидан

"Оила ва жамият" газетасининг янги сонини олдим. Дўконга кириб, совға билан қўшиб газетани ҳам чиройли қилиб ўратдим. Бир даста гул олиб, Гулруҳни кўриш учун касалхонага йўл олдим.

Охишта у ётган палата ашигини очдим. Каравотда дугонам хурсанд холда ўтирар, атрофда ота-онаси. Мен ота-онаси билан ҳол-аҳвол сўрашган, дугонам ёнига бориб:

- Дугонажон, туғилган кунингиз билан табриқлайман. Мана шу гуллардек очилиб юринг, - дедим.

У бирам хурсанд бўлдики...

У совгани охишта очаркан, газетани қўлига олиб, таажуб билан қўзларини катта-катта очиб варақлай кетди:

- Ая, аяжон, нахотки... Аяжон...

Тўрт сатр шўёри овоз чиқариб ўқиди-ю, уввос солиб йиғлаб юборди.

- Мен бахтлиман, жудаям бахтлиман, - деди. - Ҳаётимдаги энг зўр совға шу бўлди. Раҳмат сизга.

- Раҳматни менга эмас, "Оила ва жамият" жонқуярларига айтинг! - дедим.

Зебинисо ГАФФОРОВА,
ТДПУ талабаси.

- Олисдан кўнгирак қила-
япман. Ёшим анча ўтиб
қолганлиги учун бориб бу
гапни айтишга андиша
қилаяпман, - деди бир
аёл кўнгирак қилиб.

- Бемалол гапираве-
ринг, кулогим сизда, -
дедим унинг гапини
эшитишга хозирланиб.


- Оиламиздаги энг кат-
таси бўлганим учун ўзим
уларга насиҳат қиламан.
Шунинг учун ҳатто яқин-
ларимга ҳам дардимни
айта олмайман. Аслида
бировга айтиш ниятим ҳам
йўқ эди, айтмасликка илож
қолмади. Менинг дилим-
га озор берганлар шу га-
зетага обун бўлишган.
Зора ўқишиб ўз хатолари-
ни тушуниб олишса,
мени ҳам тинч қўйишса,-
деган умидда сизларга
кўнгирак қилаяпман.

- Улар сизни нима учун
ранжитишяпти?

- Очигини айтсам, бир
пайтлар қайнопам билан
айтишиб қолиб, унинг гийбат
гаплари туфайли оилам бузилиб кет-
ди. Эрим опаларнинг измидан чиқ-
масди. "Опам истамаса, сен билан
қандай қилиб ашайман? У хафа бўла-
ди", - деди-да, судга бориб ажра-
лишга ариза берди. Мен эса бир ма-
шина юким билан уйимизга қайтиб
келдим. Иккита укам ва синглилар-
римнинг ўз уйлари бор, оиласи
тинч. Мен уйда иш тикиб тирикчи-
лигимни ўтказардим. Кўни-кўшни-
лар ҳам киришар, бирининг қўла-
гини узайтириб берсам, бирининг
шамининг почасини кесиб ўзига
мос қилиб берардим.

Бригадир Неъмат ака деган кишининг
хам шимларини ўзига мослаб
бердим. У қўлимга анча пул бериб
қиқиб кетди. Бир куни яна иккита
қўйлаб кўтариб келди. Уларнинг
енги узун эди, кесиб калталаб бер-
дим. Айни шу пайтда мен сочларим-

КЕЧИККАН



лас, охири ундан ҳомиладор
бўлиб қолдим. Бу гапни ма-
ҳалладагилар эшитди. Табиий-
ки, оиласидагилар ҳам хабар
топишди.

- Уйидагилари бу воқеага
индашмадим?

- Йўқ, биронтаси, ҳатто хоти-
ни ҳам келиб жанжаллашмади.
Илгаригидек кўришиб қолсак
сўрашиб ўтиб кетаверардим.
Улар ҳам сир беришмасди. Қи-
зим туғилганда бир дунё со-
вга-салом билан йўқлаб келди.
Исмими ўзим Интизор, деб
қўйдим. Чунки кунларим зор-
интизорликда ўтган пайтда бу
қизим туғилганди.

- Кейин ҳам муносабатни-
гиз давом эттавердим?

- Бир муддат учрашиб юрдик.
Қизим мактабга борган пайтда
унинг аёли вафот этди. Тўрт
нафар фарзандини уйлаб-жой-
лаб бўлиб, энди роҳати-
ни кўраман деганида...

Кўнгирақларингиз...

СОВЧИЛАР...

ни ювиб, ёйиб олгандим. У кириб
узун сочларимга қараб қолди. Кейин
бир-икки марта йўлда кўриб қолиб
машинасида уйимизга олиб келиб
қўйди. У барваста, ўзига яраша уш-
бичим киши эди. Кунларнинг бири-
да у билан учрашувга чиқдим. Шун-
дан кейин бу одатий ҳолга айланди.

- Ота-онангиз бу ишингизни би-
лишармиди?

- Айтгандек, бу вақтга келиб ота-
онам вафот этишганди. Уйда ўзим
қолгандим. Ёлғизликдан эзилиб кет-
ган бўлсам керак, бу кишининг ҳол
сўрашидан хурсанд бўлиб, ўзимни
йўқотиб қўйгандим, шекилли.

- Эракнинг оиласи йўқмиди?
- Хотини, болалари бор эди. Хул-

Хотинининг йил ошини бергандан
кейин, бир кўшнимиз менга:

- Кумриой, энди шаърий никоҳ
ўқитиб сизни уйга олиб яшаса ҳам
бўлар эди. Ахир қизинглар бор. Эр-
как киши қачонгача кир-чирини кел-
линларига ювдириб юради, - деди.

- Бу фикр сизга маъқулмиди?

- Очигини айтсам ёлғиз бошимга,
катта ҳовлининг юмушларини қилиш,
ишлаш, рўзгор тебраттиш осон кеч-
маётганиди. Жигарларимнинг эса ўз
тавишлари етарли.

- Шундай ҳам бўлди?

Гўшақдаги аёл жим бўлиб қолди.
Бироз сукутдан сўнг яна гапини да-
вом эттира бошлади.

- Афсус, эрак уйга келган пайтда

бу ҳақида оғиз очмади, ўзим гап
бошлашдан иймандим. Кейин эса
хафсалам пир бўлди. Ахир у ҳам,
мен ҳам ўзимиз алоҳида ёлғиз яша-
сак... Ундан садо чиқвермагач,
муносабатларимизга чек қўйдим. Ин-
тизор мактабни битирганидан кей-
ин унга янги тикув машинаси совға
қилиб бериб юборибди. Мен уни
қайтариб юбордим. Шундан сўнг
жаҳли чиқиб ўзи олиб келиб таш-
лаб кетди.

Интизор мактабни битириб ўқиш-
га кирди, ҳамшираликни битирди.
Йигиб-терганим билан чиройли
қилиб яқинда узатдим ҳам. Менга
алам қилгани ота ўрнига ҳам ўзим-
нинг фотиҳа берганим бўлди.

Қизимни узатганимдан кейин эрак
менга совчи қўйди. Мен рад этдим.

- Нега, ахир ўзим буни кутар-
дим, дедингиз-ку!

- Тўғри, совчи келишини кутдим.
Аммо унинг совчилари кечикишди.
Хотини вафот этганидан сўнг ўн бир
йили ўтиб совчи юборадим, ахир?
Демак, менинг қадрим, ҳурматим йўқ
экан. Уша пайтда бундан истиҳола қил-
май унга турмушга чиққан бўлардим.
Лекин у нега шунча йил сукут сақлаб
юрганини сира тушуна олмайман.
Шундай қилганида қизим ҳам отасиз-
ликдан ўксимаган бўларди. Ота фоти-
ҳаси билан уйдан кетган бўларди.
Энди қуда-андалик бўлсам...

- Йўқ деганингиздан кейин гап
кўпайдими?

- Шундай бўлди. Чунки у хозир ка-
салманд бўлиб қолган. Хотиндан
кўра кўпроқ унга энага керак назар-
нимда. Унинг фарзандлари эса,
мени айблашаётганмиш. Маҳалла-
дагилардан эшитдим. Ахир менда
ҳам иззат-нафс бор. Тўғри, айбдор-
ман. Лекин вақтида у менинг юзю-
ми ёруғ қилиши мумкин эди-ку!

Мен юртдошларимнинг шу борадаги
фикрини билмоқчи бўлиб, кўнгирак
қилаётirman.

Аёл эракнинг кечиккан такли-
фини рад этиб тўғри қилдими?
Сиз нима дейсиз?

ГУЛБАШАКАР

УЗОҚЛАРДА ЎҒЛИМ БОР
МЕНИНГ

- Синглим, бу ерга келганим-
нинг сабаби газета орқали
юрагимдаги дарду армонла-
римни яхшиларга сўзлаб бер-
моқчиман. Улардан маслаҳат
олмоқчиман.

- Тўғри қилибсиз, дардни
ичга ютиб юргандан ёмони
йўқ. Нима бўлганди ўзи?

- Менинг узокда ўғлим бор.
Ундан узоклашганимга ўн йил
бўлди. Кўчамиздаги бир йи-
гитга турмушга чиққандим.
Минг хил ваъдаларни бериб
уйланган эримнинг ҳаётида
бошқа бир аёл ҳам борлиги-
ни тўйдан кейин дарров ан-
ладим. Кўнглини овлаб, ўзим-
га қаратиб олсам оилам, рўзгор-
ни, деб қолади, дея ўйладим.
Ўтидан кириб, қулидан чиқдим.
Қайнона, қайсингилларимни
жонимда жойладим. Эримнинг
қилганини ҳеч кимга айтмадим.
Эрим энди ўзини-ўзи ошкор
қилиб, уч-тўрт кунлаб уйга кел-
майдиган одат чиқарди. Бирин-
чи қизимиз дунёга келганида
ортимдан туғруқхонага ҳам
бормади, пул ҳам бермади.
Онамнинг кўмаги билан ши-
фохонадан қўлиб олдим. Шун-
да ҳам миқ этиб оғиз очмадим.
Бир кун тушунар, ахир энди
фарзандимиз бор-ку, деб
ўйладим. Ораддан йиллар ўтди.
Ўзимни каским, уй ишлари
билан овутидим. Навбатдаги
фарзанд-ўғлим туғилди. У
эримнинг оиласи учун бирин-


чи ўғил неварга эди. Барчаси
суюнишди. Эрим ҳам мақтаниб
юрди. Ўзимча қувониб, энди
менга ҳам яхши муомала қила-
ди, деб ўйладим. Лекин хато
ўйлабман. Болага меҳрибон
бўлса-да, менга илиқ гапирма-
ди. Дўқ-пўписалари мени тур-
тишга, ҳатто ичиб келиб, калтак-
лашга айланди. Маошимни тий-
инигача олиб қўйиб, рўзгорга
ҳеч нарса олиб келмасди. Ахи-
ри бир куни ажрашишга қарор
қилдим. Уйнаши билан қолиб
кетган тунинг эртасига икки
болани олиб, остонадан чиқиб
кетдим. Ушанда ўғлим уч ёшда
эди. Биз онамникида яшардик.
У ерда акам ҳам болалари би-
лан яшарди. Катта рўзгор. Мен
ишлаймаман. Қизим билан ўғлим
уйда қолади. Акамнинг ҳам 4 та
фарзанди бор. Улар билан ҳар
куни жанжал. Эримникида эр-
катой бўлган ўғлимнинг кўнгли
га ҳеч ким қарамайди. Ҳар куни
ишдан келганимда йиғлаб ўтир-
ган бўлади. Ҳали нималардир
егиси келганини айтса, ҳали
тоғасининг хотини урганини
айтади. Ўзим ҳам бир неча бор
янгам болаларимни туртаёт-
ганини кўриб, қўрмасликка олиб
юрардим. Онам ҳам буни билиб,
нима қилишга боши қотиб
юраркан. Бир куни: "Қизим, тақ-
дирингдан қочиб кутулолмай-
сан. Бу аҳволда аканнинг оила-
сига ҳам совуқчилик тушади.
Иложи бўлса, ўғлингни қайно-

нангникига бериб
юбор. Қизингни
эси кириб қолди,
гапга тушунади.
Аммо ўғлинг бу
ерда қийналиб яша-
гандан кўра, у ёқда
эъзозли бўлиб уса-
ди. Эсини танигач,
яна қайтариб ола-
сан. Унганча ҳаётинг
ҳам яхши бўлиб ке-
тар", - деди. Ноилож
ўғлимни уларга
бериб юбордим.
Уша кундан бери
юрагимга бир бўлак
ўт тушган.

- Ўғлингизни
бошқа кўрмадин-
гизми?

- Хуллас, ўшандан
кейин эрим уни ҳеч
ҳам менга кўрсат-
май қўйди. Мен эса
қоксуяк бўлиб иш-
лаб юрдим. Бир
йили акам ўғилла-
рига суннат тўй қил-
ди. Менинг ҳам
ўғлимни қўшишди. Ўғлим учун
бор маошимни йиғиб мен ҳам
тайёргарлик қилдим. Тўй жуда
чиройли ўтди. Касбдошларим,
дугона-ю танишларим келишди.
Аммо ўғлим ўз тўйда иштирок
эتماди. Дадаси уни бермади.
Менга тўй татимади. Бир зум кўз
ёшимни тўхтата олмадим. У ҳам
етмагандек ораддан икки ой ўтиб

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...



Ўзи тўй қилиб берди. Жуда даб-
дабали бўлибди.

- Сиз бормадингизми?

- Йўқ. Онамдан ўғлимга атаб
олган совғаларимни бериб
юбордим, холос. Биласизми, ўша
куни ҳаво жуда ёмон бўлди,
қуюн уйнаб, тўпалон бўлди.
Одамларнинг айтишича, осмон-
дан қум ёққанмиш. Уша воқеа-

дан кейин чидаёлмадим. Усти-
га-устак янгамнинг хурмачага
сиғмас қилиқлари ҳам суғим-
га етганди. Тошкентга келдим.
Ишга жойлашдим. Турмуш му-
аммоларини бирин-кетин ҳал
қилдим у фарзанд соғиничига
чидолмадим. Ахири орага одам
қўйиб, ўғлимни ахён-ахёнда
қўриб турадиган бўлдим.

- Эрингиз уйланмадим?

- Уйланди, яқинда фарзанд-
ли ҳам бўлди.

- У аёлинг ўғлингизга му-
носабати қандай экан?

- Ўғлим бувиси билан яшай-
ди. У аёлга дахли йўқ.

- Ўғлингиз сизни кўрган-
да қандай ҳолатга тушади,
соғинадими ёки...

- Ўғлим эсини танибдики, да-
даси унга: "Онанг сени таш-
лаб кетган", - деб ўқтирган. Ав-
валлари бола эди, келганида
соғинганини ҳис қилардим.
Энди ақли кириб қолган. Менга
муносабати ҳам ўзгарган.

Қандай йўл тутсам бўлади?
Ахир мен ундан воз кечмаган-
дим. Шарт-шароит сабаб шу
йўлни туттишга мажбур бўлган
эдим-ку.

- Йилгаманг опахон, ўғлинг
ҳам ҳадемай мустақил
ҳаётга қадам қўйди. Сиз
ўшанда унга барчасини
ётиги билан тушунтирасиз.

- Балки шу газета орқали
ўқиб қолар. Мен уни жудаям
яхши кўраман...

Аёл йиғинини тўхтаётмай
чиқиб кетди. Мен эса жим
қолавердим. Балки бу бо-
рада сизга гап бордир,
азиз мухлис...

М.ШУКУРОВА

"Авалло ота-она дуоси олинса..." - 3-сон

ЭСАТМА: Ҳою-ҳавасга берилаб, ота-она розилигусиз қизларни олиб қочиб олаётини удул сифатша таққин этиб бўлмайди. Ёшлар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда қонун ўли билан бу иллатга қарши курашиш керак.

Муаллиф: Маруса ҲОСИЛОВА.

юриши, қандай ўқиши билан қизиқимиз муҳимдир. Озгина эътиборсизлигимиз туфайли ўғил ёки қизимиз нотўғри қадам босиши мумкин. Ана шу биргина қадам, фарзандимизнинг бутун умрига таъсир қилиши мумкин. Халқимизда: "Билмайин босдим тиканини, тортадурман жабрини..." деган доно мақол бор. Бу мақолда катта ҳаётий маъно муҳассам. Ҳозирги ёшларимизнинг ўқиши, ишлаши учун ҳамма шароитлар яратилган.

яна кўнишмади. Йигит уйда тўй бўлди. Қизнинг ота-онаси, авлодлари, қишлоқдошлари келишмади. Қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари, оқсоқоллар ўртага тушишди. Ота-она кўнмади, қизи ва йигитни ниҳоятда қаттиқ қарғашди. Йигитга биринчи унаштирилган қизнинг ота-онаси, авлодлари ҳам хафа бўлишди. Улар ҳам йигитни қарғашди.

Орадан 6 йил ўтди. Йигит ва қиз бир ўғилли ва бир қизли бўлишди. Лекин оила тинч бўлмади. Йигитнинг бир жойда мўқим ишламаслиги, ароқхўрлиги, ҳар хил тарбияси бузуқ йигитлар билан ошна тутиниши оқибатида, оиласи билан муомаласи ёмонлашди. Ичиб келиб хотинини дўппослайдиган бўлди. Шу орада қизнинг ота-онаси уларни кечириб қуввоникига келиб-кетадиган бўлишди. Бундан хурсанд бўлиш ўрнига қувв уларни ёқтирмади. Яқинда эса ўз фарзандларини пичоқлади. Оллоҳнинг иноятими, ҳалиям 2 фарзанд касалхонада даволана билишди. Йигит эса руҳий касалхонада. Мана сизга ота-онанинг қарғиши. Хал-

турли ниҳоллар эканми. Шу ниҳолларга ўз вақтида озуқа - сув берамиз. Ортиқча бутуқларини кесамиз. Парвариш қиламиз. Атрофини оқлаб, турли зараркундалардан асраймиз. Ана шу меҳрибончилигимиз туфайли кўчатларимиз ҳосилга қиради, ундан баҳраманд бўламиз. Фарзандларимиз ҳам бизнинг келгуси меваларимиздир. Ахир шу фарзандларимиз ўсса, улғайса, она-Ватанимиз қорига яраса, халқимиз бу фарзандларимиздан рози бўлиб, "ота-онасига раҳмат" деса, бизнинг бахтимиз шу-да! Дунёга келдингми, азиз инсон, ўзингдан бир ном қолдир. Яхшилик қолдир, фалончи асл одам эди, фарзанди ҳам асл-да, десинлар.

Қадри ўғил-қизларим! Сизлар ҳали ҳаётнинг бошида турибсизлар. Ишқ бошқа - ҳавас бошқа. Оила - бу муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳда дунёга келдингми, отанг, онанг, бобо-бувиларинг, хуллас етти пуштингни ўйла. Ота-боболаринг ким бўлган, қандай яшаган, уларнинг ҳаққини-ҳурмати ёмон яшашга ҳаққинг йўқ. Ота-онанг дилбандинг. Улар сени дунёга келтиришган.

Ота-она сўзи фарзанд учун қонун бўлиши керак. Акс ҳолда... Сиз фарзандлар ҳоридан ота-онани севиб, ардоқланг. Ҳар кун, ҳар соатда йўқанг, дуосини олинг. Сиз ўқишга боровсизми, ишга борасизми, ота-онангиз сизни ўйлаб ўтиради, томоғидан овқат ўтмайди. "Болагинам, қизгинам нима қилди, келмапти", деб ич-эттини ейди. Фарзандим едим, ичдим, оч қолдим, дейди. Сизнинг эса ота-она парвоингизга келмайди. Ҳа, биз ҳам шундай эдик. Энди афсусланамиз. Армонларимиз кўп. Шуларни ўйласан, кечаларни бедор ўтказаман. Қани энди ота-онам тирик бўлсалар уларни бошимга кўтарсам, хоҳлаган жойларига олиб борсам, менинг бахтинми, мана бу қорақўз набираларим ва эварларимни кўрсалар эди, деб армонлар қиламан. Эҳ, ёшлик, ёшлик!

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Тез-тез зиёфатларга, тўйларга, ўрни келганда таъзия маросимларига боришимга тўғри келиб туради. Шунда баъзан бу маросимларда айтиладиган табрик сўзлари-у, турли айтишларнинг маъносига қўлоқ тутаман ва магзини қақиб ўтираман. Тугилган кун ёки тўй оқшом-

фарз эканлиги барчамизга аён-ку. Ҳеч бир одам бу дунёга келганини билмагани каби қачон кетишиниям билмайди. Шу билан бирга ўрганиб қолган яшаш диалектикаси - оиласи, қариндош-уруғлари бағридан асло кетгиси келмайди. Хом сўт эмган бандамиз-да. Мол-дунё, латта-путта, мансаб ва шунга ўхшаш нарсалардан тўймаймиз.

Тўғри, ўзбек халқи азал-

Қарзини ўйлайвериб, Толиб-жоннинг юраги сикиладиган бўлиб қолди. Эндигина битта қизни узатди. Яна уч қиз, икки ўғли бор. Мана бир йилдирки, тўйдан бўлган қарзини уза олмаётти. Яхшиямки, қарз берган одам қариндош, тишини-тишга қўйиб кутиб юрибди.

Ана шунини ўйларкан, Толиб-жон раҳматли отасининг ўн бир фарзандни ўйлаб-жойлаганига қойил қолаверди. Толиб-жон ана шу фарзандларнинг энг кенжаси. Уй ҳам отасидан қолган. Раҳматли биронтасидан бирор сўм қарз бўлмай оламдан ўтди. Отасини эслаб, Толиб-жоннинг кўзларига ёш қалқди. Шу пайт хотини Инобатхон унинг ёнига келиб ўтирди.

- Ҳадеб қарзини эслайверманг, дадаси. Бир иложи бўлиб қолар.

- Қарзини хуш кўрмайман-да, аяси. Отам раҳматли қандай қилиб шунча фарзандни ўйлаб-жойлаган экан-а?

- Нимасини айтасиз, бошингизга иш тушмагунча, ота-онанинг қадрига етмас экансиз. Кўксингизни уқлаганингизни кўрсам мен ҳам диққат бўлиб қолаяпман.

- Янги раҳбар жиндай шартаки экан. Юз-хотирни билмайди.

- Муроса қилаверинг дадаси. Бу ишдан кетсангиз, бошқа касбингиз йўқ, Инсофга келиб қолар. Бу ёқда қарзини узаёлик, деб озгина пулни тежаб тургандим, ўглингизни туфлисиз йиртилиб қолибди. Туфли олиб бераверайми?


- Илож қанча. Болаларни ўқитиб бўлмайди, дадам раҳматли қандай қилиб шунча фарзандни қорнини тўйгазиб, устини бут-

лаган экан-а?
- Эр-хотин ҳаёлга чўмиб ўтиришган паллада кенжатоилари уч ёшли Шерзодбек келиб қолди.
- У келасолиб, дадасининг бўйиндан қучди.
- Дада от бўлиб беринг!
- Қобилжон ўғлининг беғубор

батхон ҳозирроқда қарзини ўйлаб сиқилиб ўтирган эрини ҳамма нарсани унутиб, чеҳрасида шоду хуррамлик билан йўрга отдай уйни айланаётганини кўриб, суюнганидан кўзлари намланди. Унинг ҳаёлидан шундай фикр кечди.
- Ҳаёт борки, ташвиш бўларкан.
- Ана шу ташвишни берган Тангри уни ингиллатиш тадбирини ҳам кўриб қўяркан.

Фарзандлар ўзлари билмаган ҳолда ота-она ташвишини ингиллатиб, қалбини жуштириб, ғайратга миндириб туришаркан.

Яна шундайки, одам боласи ота бўлгандан сўнггина отасининг қадрига ета бошларкан. Бундай паллада отанинг руҳи ҳам албатта фарзандни йўқларкан. Қарангки, икки кун ўтмай, Толиб-жонга ёқмаган янги раҳбар битта адолатли иш қилибди. У бир вақтлар қорхона кўрғонининг ташқарисига экиб қўйилган теракларни кестириб, соттирибди. Унинг пулига ёрдамчи цехни ишга туширмоқчи экан. Шунда у теракларни экиб қўйган одамни ҳам рози қилинглар, дебди. Теракларни Толибжоннинг дадаси эккан экан. Отасининг ўша ҳақини Толибжонга келтириб беришиди. Унга беришган пул, қарзини узиб олиш-



чеҳрасига боқиб, ҳамма ташвишларни бир фурсатга унутди. Полос устига энгашиб, ўғлига от бўлиб берди. Шерзодбек дадасининг елкасига миниб, қиччанди.
- Чу! Чу!...
Толибжон тиззалаб уйни айлана бошлади. Уй қийқириққан тўлди. Овқатга унаётган Ино-

га роппа-роса етарли эди. Бу воқеадан хулоса шунки, ота ҳақто ўтиб кетгандан кейин ҳам ўзининг руҳини чин дилдан ёдга олиб эсланган фарзандини деравга муҳтож бўлмасин, дея қўллаб тураркан. Бу қўллар унинг тўйга қўшган ҳиссаси эди.
Комилжон НИШОНОВ

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

лариди сўзга чиққан юртдошларимиз юбилар ёки тўй соҳиблари шаънига "энг ёмон кунингиз шундай ўтсин", дея тилак билдиришади. Лекин тилак ҳам ҳаёт ҳақиқатига сал тўғри келиши керак-да. Чунки бундан "тўй ҳам ёмон кун экан-да", деган хулоса келиб чиқмайди? Ундан кўра "ўтаётган ҳар кунингиз мана шу тўй каби қувончли бўлсин", дейиш маъқулроқ эмасмикан?

Таъзияларга борганда, марҳумнинг оила аъзолари айтиб-айтиб йиғлайдилар. Улар: "Тупроқларга тенг бўлган отам ёки онам", "Бу дунёга келиб, олиб кетганинг шу бир парча сурп бўлдим", дея аюханнос соладилар. Ахир:

Дунёга келдим-у, бозорга бордим,

Кафанлик олдим-у, мазорга бордим,

деганлар-ку машшойихлар. Неча ёшга кирмайлик, қанчалик еб-ичмайлик, барибир шу бир парчагина кафанлик билан у дунёга кетамиз, шунда ҳам худо тақдир қилса, албатта.

Тириклик бир неъмат бўлса, вақти келиб бандаликни бажо келтиришдик ҳам қарз, ҳам

дан урф-одатларга, аънъаналарга бой. Миллий удумлари, бой мероси билан бошқа миллатлар ўртасида ажрალიб туради. Лекин мана шу меросга, мана шу аънъаналарга мос келадими маросимлардаги сўзлар. Ахир марҳумга нисбатан "тупроққа тенг бўлдингми?" дейишнинг ўзи Яратганнинг иродасига шак келтиришдик эмасми?! Демак, ҳар биримиз хоҳ тўйда бўлсин, хоҳ йиғинларда, аввало ҳар бир юрак сўзимизга эътиборлироқ, масъулиятлироқ бўлмоғимиз лозим. Ахир айтишади-ку, "ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир", деб.

Менимча, ҳар бир инсон тупроқдан яралдими, яна шу ватан тупроғига сингиб кетиши керак. Бу абадийат қонуни ҳисобланади. Баъзи бир юртларда зилзила туфайли вайроналар остида, сув тошқини, кўчки оқибатларида тупроқлар тағида, океан тубида қолиб кетган қурбонларнинг сон-саногини йўқ. Ана шунга офатлардан Худонинг ўзи асрасин. Ахир қарияларимизнинг "Оллоҳ, берган хар бир тинч кунингга шукр", деган шукроналари бежизга айтилмаган-да.

София УЗОКОВА

Студентлик кезлари охириги имтихонни топшириб олгач, хонадош жўралар ҳар йили вилоятларга тарқалиш олдидан жиндай хордик ёзди қиладиган одатимиз бор эди. Охириги курсга ўтган йилимиз, уч ҳамхона "Ҳадра"га ошхонага йиғилдик. Аслида учаламиз ҳам ҳар хил институтларда ўқирдик. Саидбек самарқандлик, Абдулла қозоғистонлик эди.

Уша кунни жўралар яйрашиб, ошхона бекилгунча ўтирдик. Тунги соат ўн иккиларга эса ётоғимизга отландик. Бекатга етиб боришимиз билан Саидбек қўлимизга хўнграб йиғлаб юборди. Биз унинг бундай йиғиси сабабини тушуна олмай, юпата бошладик.

- Нима бўлди, оғайни, дардингни бизга айтмайсанми?
- Ҳеч қанақа дардим йўқ, - жавоб қилди у.

- Қадримга йиғлаяпман. Сенларни ота-онанг ўғай эмас. Менинг онам ўғай. Отамнинг қўли юпқа. Жўраларим уйланиб бўлишди. Кишлоққа қайтсам, оғайниларим "Қачон уйланасан?" - дейишиб жонимга тегишадими.
- Ҳўш, биз нима қилайлик? - сўради Абдулла.

- Анави танишган қиз менга ёқиб қолди. Иккаланг ҳозир унинг уйига бориб, уни менга унаштиришасан.
- Ақлинг жойидими? - қўл силтади Абдулла. - Соат кечаси бир бўлапти. Бировнинг уйига борсанг, олдига солиб қувади ҳозир. Эртага биронта каттароқ одамни бошлаб келсан, бошқа гап.
- Йўқ! - унамади Саидбек. - Ҳозир боришасан. Бўлмаса ҳеч қачон боришмайман. Мен бугун ошналаримни жўнатаман, деб айтиб қўйганман.
- Биз билан кундузи маслаҳат қилмабсан-да, - туютди Абдулла. - Бир иложини қилардик.
- Айтганимда ҳозиргидек ёзилиб ўтира олмас эдик-да. Хордик ёзмай, сенларни уйланингни жўнатгим келмади.
Абдулла яна туютқа бошлаган эди, мен уни босдим.
- Дикқат бўлма, ошна. Йиғитнинг сазаси ўлгунча, хўкизининг бўйни синсин, деганлар. Дўстимиз учун битта таваккал қиламиз...

Йўловчи машинада Чукурсойга етиб олдик. Саидбекни чинор остига ўтқазиб, керакли уйнинг эшигини охира-роқ тақиллатдик. Ҳарқалай уйнинг айвонидидаги чирой ёниқ эди. Эшик ортидан аёл кишининг овози эшитилди.
- Кимсизлар?!
Абдулла менга шипшиди.
- Мен ҳовун тушириб қўймай. Ўзинг биронта анжанча гап қил.
- Ассалому алайкум, ая! Узр, бемаҳалда безовта қилдик. Биз Саидбек деган йиғитнинг жўраларимиз. Шу пайтда келишга мажбур бўлиб қолдик. Маслаҳатга келгандик.

- Эртага келсанлар бўлмайдами?
- Ана шунақа десак, ҳамсомиз унамади-да. Ошнаимизнинг сазаси ўлмасин, дедик, ая.
Дарвоза шириқлаб очилди-да, эллик ёшлардаги аёл бизга юзланди.
- Ая, деганларинг учун очдим. Аслида гашим келиб турган эди. Шу сўз билан мени йидириб юбординглар.
- Куллуқ, ая! Куллуқ! - деди Абдулла энди олдинга ўтиб.
Тожибар ая билан суҳбатимиз бунчалик тез қовушиб кетади, деб ўйламагандик. Шу чоғроққина ҳовлида қизи иккаласи яшашаркан. Эрининг оламдан ўтганига беш йилча бўлибди. Аёл бе-

ҚИССАДАН ҲИССА

қелиб қолди. Ундан тушган милиционерлар бизга яқин келишиб, юзимизга тикилишди.
- Нега бемаҳалда бақириб, тентираб юрибсизлар?
- Уртоғимизни йўқотиб қўйдик. Шу жойда ўтирган эди.
- Қани ўтиринглр машинага! - буйруқ қилишди улар. - Боя биттасини шу жойдан олиб кетганимиз. Ўн беш кун кўча суғуриб берасанлар.
Қарангки, бизни бундай хижолатпазликдан белимиздаги белбоғлар қутқариб қолди. Хушёрхонада текширувчи врач аёл киши экан. У бир белимиздаги бел-


эслардик. У киши ўз сўзларидан ўзи завок олиб, шундай дедилар:
- Сизларга боғлатиб қўйган белбоғларнинг каштасини ўз қўлим билан яқини ниятда тикқандим. Уша ниятим сизларни сақлаб қолган.
Тожибар аянинг ана шу гапини биз ҳанузгача эслаймиз. Орадан анча йиллар ўтиб, яқинда Чукурсойга йўлимиз тушиб, эски қадрдонларни эсладик. Уларни қаёқдан ҳам топиб бўлсин. Эски уйлар бузилиб, ўрнида кўп қаватли уйлар тикланибди. Лекин ҳар бир кишининг фақат ўзигина тушунадиган таваккал қадами бўлади. Ана шундай одам билан тўғрига юриб кетавердик. Шу пайт рўпарадан юриб кетаётган истаралигини аёл қадамини секинлатиб, юзимизга синчиклаб боқди. Сўнг бирдан чехраси чаманлади.
- Ана холос! Мен бир умр қидириб юрган инсонни Оллоҳнинг ўзи рўпара қилди-ку!

Аёл Саидбекнинг турмуш ўртоғи эди. У бизни қўярда-қўймай, ўзлари яшаётган уйга бошлаб кетди. Бешинчи қаватда яшашаркан. Уч фарзандли бўлишибди. Афсуски, уша кунни Саидбек тунги сменда экан. У билан телефон орқали боғланиб, омонлашдик. Ўн йилча олдин Тожибар ая оламдан ўтибдилар.
Уша кунни Андижонга қайтишимиз керак эди. Хайрлашув олдидан Тожибар аянинг руҳига атаб Қуръон тиловат қилдик. Худди шу паллада эшикдан 14 ёшлардаги ўсмир қиз кириб қолди. У дуо ўқилаётганини билиб, дарҳол пойгакка чўқалади. Унинг чехраси Тожибар аянинг чехрасига жуда-жуда ўшарди. Шу пайт уй бекасининг хаёлига бундан ўн беш йилча илгари ойиси айтган гап келибди. Тожибар ая унга шундай деган эканлар: "Ким мени "аз" деб эслаб, номимга Қуръон тиловат қилса, руҳим ўша жойда ҳозир но-зир бўлади".

Дарҳақиқат, шу паллада кириб келган ўсмир қизни малоикага ўхшатса бўларди. Унинг кийими оппоқ, чехраси беғубор ва кўзлари мовий эди. Уй бекаси ва унинг невараси кўзларидан ҳам ёшлар қуюлди.
Шу пайт шундай хулосага келдик. Биз "аз" деб жўнгина айтган эканми-у, бу сўзнинг замирида жуда кўп мушкулларни осон қилувчи, йиғит ва қизнинг омадини берувчи бир дунё қалбдорлигини, қалбаримизни ёритиб турувчи машъала эканлигини ҳис қилавермас эканмиз. Агар сизнинг ишингиз юришаётган бўлса, турли бало-қазолардан Тангрининг ўзи сақлаётган бўлса, билингни, ўша "Ая" деган сўзни меҳр билан айтаётган бўлишингиз керак.

Комилжон НИШОНОВ, Андижон шаҳри.

Ая сўзидаги



боғларга, бир юзимизга қараб, савол ташлади.
- Нима тўйдан чиққан-мидинглр?
- Йўқ, ўртоғимизни унаштириб чиқаётгандик.
- Шу пайтда-я?
- Шунақа иш бошимизга тушди-да, - жавоб қилди Абдулла. - Ичганимиз ҳам рост.
- Бўлмаса бундай қиламиз, - деди врач аёл. - Бошлиқнинг хонасига кириб, жиндай ялинасизлар. Бошлиғимиз белида белбоғи борларнинг гапига ишонади. Қаттиқроқ ялисанглр, ошналарингни ҳам олиб чиқиб кетасизлар.
Бироқ, бошлиқ бизни ялинтирмади. У ҳамма гапимизни қия очиб эшик орқасида эшитиб ўтирган экан. Фақат битта гап айтди:
- Белбоғ боғлаган одам ароқ ичмайди. Шунини билиб қўйинглр.

Чора шу пайтгача бозорга кўчат боғлаб, ухламай ўтирган экан. Ниҳоят, биз унга унаштирув тўғрисида сўз очганимизда, у мушкуллимизни янада осон қилди.
- Мен ўша ҳамсояларингнинг ҳолатини тушундим. Эртага отасини бошлаб келисин. У ёғини ўзимиз ҳал қилиб оламиз. Лекин сизларнинг дўста бўлган садоқатларингни тақдирлаб қўяман.
У уйдан иккита кашта тикилган белбоғ олиб чиқиб иккаламизга боғлатиб қўйди. Хурсанд бўлиб ташқарига чиқдик. Бироқ чинор остида Саидбек йўқ эди. Уни бирор жойга ётиб, ухлаб қолмаганимиз, деб қақирдик, қидирдик. Шу пайт қаёқдандир хушёрхонанинг машинаси

Саидбекни хушёрхонадан чиқариб, биринчи рейс билан Самарқандга учириб юбордик. У отасини бошлаб келди. Тўй ҳам жуда чиройли ўтди. Келинчакни ўша биз ижарада яшаётган хонага тушириб бордик. Улар икки ой ана шу жойда яшашди. Биз таътилни тугатиб, қайтиб борганимизда, куёв билан келинчак Тожибар аянинг ҳовлисига кўчиб кетишди.
Орадан уч-тўрт йил ўтиб, турли сабабларга кўра Саидбек билан алоқаларимиз узилиб қолди. Ушанда у ўғил фарзандли бўлганди. Жуда бахтиёр эди. Тожибар аяни ҳам худди онамиздай ёқтириб қолгандик. Қачон у билан кўришсак, ўша ярим тунда совчи бўлиб борганимизни

Нимагадир бугун ҳаво булут. Кўёш булутлар орасидан чиқиб кетишга қанча уринмасин, охири таслим бўлди. Энди хатто мўралашгаям мажбур бўлди. Ариқ бўйидаги ўтлар устида икки тиззамни кучоқлаганча сувга термулиб жим ўтирибман. Одатда, тонгда кайфиятсиз уйғонсам ҳам, янги кундан ниманидир умид қилиб барибир кўнглим ёришади. Лекин бугун дилимга учкун олиб кирадиган ўша ниманидир тополмапман. Одамлар нимага бир-бирини ҳақоратлашга, бир-бирига кўрслик қилишга ҳечам тушунолмаيمان. Ўзимам галатиман-да, иккита одам бир-бири билан уришса, менга даҳли бўлмасаям ёш боладек йиғлаб юбораман...
Ҳозир ёз бўлишига қарамай, ёмғир ёғишини жуда-юқ соғиндим. Майли, кўп эмас, ерни бир сидра нам қилиб, атрофдаги гўборларни кетказса бўлди. Бўғзим-


ЁЗ ЁМҒИРИ

Кўнгли кечинмалари

га нимадир тиқилиб қолган, бошим ёрилиб кетай деяпти. Ўзимни ҳеч кимга кераксиздек ҳис қилаяпман. Менинг гапларимни ҳеч ким эшитгани келмайди. Атрофимдаги одамлар билан бошқа-бошқа тилда гаплашадиганларга ўхшаймиз...
Шуларни ўйлайману, шундай қилсам, кўзларимда қалқиб турган ёш оқиб кетмайдигандек осмонга қарайман. Қизиқ, шу пайт мени юпатиш учун келгандай майин шамол эсади. Қулоқларим остида нималарнидир тушунтирмакчи бўлиб шивирлайди. Оёғим остида катталарнинг жаҳлидан кўрққан болакайдек беозор майсалар жажжи қўлча-



хохламайман! Эҳтимол, сиз бўлганингизда жон деб қайтардим, болагимга, "яқши одам"... Ҳозир мен юрган ўша чанг-тўзон йўллардан бошқалар юраепти. Мен севиб ўқиб, беҳтиёр ичига кириб қолган китобим аини пайтда кимнингдир ҳаётига айланган. Демак, ҳаёт давом этаяпти. У ҳали ҳам кўнглимни оғритиб чарчамаган. Майли, менам чарчамайман, менам бардош берман. Ахир кўзларимдаги ёшларни тутиб туролма-сам ҳам, муҳими, дардим билан ҳеч кимнинг бошини оғритмайман, ташвишларим билан ҳеч кимни безовта қилмайман-ку!
Ёмғир томчилаб бошлаганига энди аҳамият берибман. Жудаям ожиз. Хатто овозиям чиқмайди-я... Бу - ёз ёмғири! Бемаврид ёққан ёмғир...
Дилдора АБДУЛЛАЕВА, ТошДШ талабаси.



Биз касал бўлганимизда турли дориларни ичар эканмиз, одатда, уларнинг таркиби химиявий моддалардан иборатлигига, шу боис ичаётган суюқлигимиз билан реакцияга киришиши мумкинлигига умуман эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, ана шу реакция оқибатида баъзи ҳолларда ичган доримиз ўз таъсир кучини йўқотиб, организмимиздан чиқариб юборилса, баъзида аллергия бериши ёки захарланиб қолиш ҳам мумкин. Шу боис қайси дориларни қандай суюқлик билан ичишни билиш ҳам зарар қилмайди.

ДОРИ ИЧИШНИ БИЛАСИЗМИ?



лаб қолади. Оқибатда сиз нафақат дори ичган кунингиз, балки кейинги кун ҳам ланж бўлиб, уйқусираб юрасиз. Шу аҳволда автомобил бошқариб қолишга тўғри келса борми, бирор бир фалокатдан худо асрасин, деяверинг. Айниқса, психокоррекцияда қўлланиладиган, депрессия ва эпилепсияни даволашда ишлатиладиган дорилар спиртли ичимликлар билан ичилса, кутилмаган жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини асло унутманг.

Сувдан яхшиси йўқ

Дори қабул қилаётганда битта қоидага риоя этиш керак: агар шифокор алоҳида таъкидламаган бўлса, ҳар қандай дорини қайнатилган совуқ сув билан ичган маъқул.

Энг муҳими сув икки-уч қултум эмас, камда ярим стакан бўлиши керак.

Энг муҳими дорининг рецепт қозони ўқиб чиқиш ёдингиздан чиқмасин. У ердаги кўрсатма асосида дорини овқатдан олдин, кейин, ёхуд бевосита овқатланаш пайтида ичиш керак бўлади. Кўрсатмага риоя этмаслик ҳам дорининг таъсирини камайтиришини мумкинлигини ёдда сақланг.

Чойга "йўқ" денг!

Юрак, қон-томир ва асаб тизими касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларни чой билан ичиш мумкин эмас. Чунки қуруқ чой таркибидagi танин моддаси неврология, кардиология ва психиатрияда ишлатиладиган дориларнинг таъсир тезлиги ва кучини пасайтиради. Қолаверса, танин дори билан реакцияга киришиб, унинг асосий қисмини танадан "ҳайдаб" чиқаради. Оқибатда сиз шифокор буюрганидан кўра кўпроқ дори ичсангиз ҳам самарасини сезмайсиз.

Эҳтиёт бўлинг, шарбатлар!

Мабодо сиз шифокор ёзиб берган антибиотик дориларни мева шарбати билан ичмоқчи бўлсангиз, ҳам соғлигингизга, ҳам ҳамёнингизга зарар келтирасиз. Чунки шарбат бу туркум дориларнинг таъсир кучини кескин пасайтиради. Баъзида эса захарланиб қолиш ҳам мумкин. Қарабсизки, яна мўлжалдагидан кўпроқ дори сотиб олишингизга, хатто захарланишдан даволанишин-

гизга тўғри келиб қолиши ҳеч гап эмас. Айниқса, грейфрут(апельсинсимон цитрус мева) шарбати жуда хавфли. Унинг таркибидagi фаол моддалар дорининг таркибини буткул ўзгартириб юборади. Оқибатда шифобахш дори захарли моддага айланади-қолади.

Фақатгина сил касаллигига қарши ишлатиладиган дориларни апельсин шарбати билан ичиш мумкин.

Сут камал қилади

Антибиотикларни сут билан ичсангиз, уларнинг танага сўрилишини йўққа чиқаришингизни ёдда тутинг. Овқат хазм бўлишини яхшиловчи юмалок ҳагдорилар(пилюля)ни сут билан ичганда уларнинг устидаги химоя қобили "камал"да қолади. Яъни сут уларнинг эришига йўл бермайди ва бу дорилар ошқозон-ичак йўли орқали шундонича ташқарига чиқиб кетади.

Шифокорлар, одатда, баъзи дориларни, хусусан, таркибида йод, аспирин, аналгин бўлган дори воситалари ва айрим гормонал препаратларни сут билан ичишни тавсия этишади.

Қаҳва ҳам зарар

Тинчлантирувчи ҳамда таркибида темир, калций ёки магний бўлган дори воситаларини қаҳва ёхуд таркибига кофеин қўшилган ичимликлар билан ичиш ярамайди. Чунки кофеин мазкур дориларнинг кучини пасайтириб юборади. Мабодо, антибиотикларни қаҳва билан ичсангиз, улар ошқозонингизда эришга ҳам улгурмай танадан чиқиб кетади. Аммо парацетамол ва аспиринни қаҳва билан ичиш мумкин. Сабаби у мазкур дориларнинг таъсир кучини икки баравар оширади.

Алкоголдан эҳтиёт бўл!

Дори билан бирга ёки олдинма-кетин ичилган спиртли ичимликлар дори воситасининг таъсирини кутилмаган тарзда ўзгартириб юборади. Яъни дори умуман таъсир этмаслиги ёхуд одатдагидан кучли таъсир этиши мумкин. Масалан, транквилизаторлар, антибиотиклар, инсулин ва гипотензив дориларни спиртли ичимликлар билан ичсангиз, улар эртаси куни ҳам ўз таъсирини сақ-

ТОВОНИНГИЗ

Оёгингиз қавариб чикдимми?

Нафақат янги, балки эски бўлса-да, оёқни сиқадиган туфлида нари борса 40 дақиқа юрсангиз кифоя, қарабсизки, оёгингиз шишиб, қавариб, пуфакчалар, қадоқлар пайдо бўлади. Оёқнинг товон қисми, бармоқлар ораси ва оёқ кафтининг юқориси энг таъсирчан жойлар ҳисобланади. Агар шилинган, қаварган жойлар биланар-билинмас, енгил бўлса, бирор муолажа шарт эмас. Фақат кенгрок оёқ кийимни пайпоқ билан кийиб юрсангиз, улар ўз-ўзидан битиб кетади. Мабодо, юриб бўлмайдиган даражада шилиниб кетган бўлса, оёгингизни илликқина сувда совунлаб ювиб, дорихонада рух тальк(тиббийтда ишлатиладиган махсус минерал), крахмал, дистилланган сув ва глицерин аралаштириб тайёрланган доридан суртиш керак. Бундай махсус дори қўл остингизда бўлмаса, унинг ўрнига оддий крахмал, талькнинг ўзи ҳам арайди.

Оёққа ванна қилинг!

Вақти-вақти билан оёқларингизга турли табиий воситалар қўшилган ванна қилиб турсангиз, шилинган жойлар тез битиб кетади.

Иссик ванна: оёгингизни 10-15 дақиқа 38-45 даража ораллиқдаги иссик сувга ботириб ўтиринг. Сувга икки қути япизли тиш поршоғи қўшиш керак бўлади. Тиш поршоғи ўрнига бир чимдим денгиз тузи, ёғоч кули ёки хантал кукуни ишлатса ҳам бўлади.



ҚАДОҚ БЎЛСА

Совуқ ванна: оёгингизни 5 дақиқа давомида 15-20 даража сувга солиб ўтирсангиз, товонлардаги асаб толаларини тинчлантиради. Бунда товонларни бир-бирига ишқаласангиз, муолажанинг самараси янада ошади.

Пуфакчалар пайдо бўлса

Кўпинча шилинган жойларда пуфакча, яъни сувли қадоқ пайдо бўлади. У оғрик бериши билан бирга оёқнинг юза қисмини хунук кўрсатади. Аммо пуфакчаларни йўқотишга шошилиш ярамайди. Яхшиси, ўзи пишиб ёрилгани маъқул. Мабодо, қадоқ ёрилавермаса, уни спирт ёки атир(одекалон) билан артиб, сўнг уни спиртга ботириб олинган нина билан тешиш керак. Ичидаги сув чиқиб кетган, яра ўрнига кўкдори(зеленка) суртиб, бактерицид пластр ёпиштириб қўйинг.

Оёқ кафтининг айрим жойларида қон айланишининг бу-

зилиши оқибатида қаттиқ ва қуруқ қадоқлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Одатда, бу қадоқлар унча катта бўлмай, юмшоқ, резинасимон тери билан қопланган бўлади. Агар улар вақтида муолажа қилинмаса, тери қаттиқлашиб, кейин даволаш анча мушкул бўлиб қолади. Бунинг учун қуруқ қадоқ махсус муолажалар ёрдамида юмшатилади, сўнг жилвиртош(пемза) билан терининг устки қатлами олиб ташланади.

Юмшатувчи компресс

Картошка пўстлогини яхшилаб ювиб, сувда қайнатинг ва қадоққа қўйинг. Устидан бинт ёки пахталик мато билан боғлаб қўясиз. Агар бу муолажа-

ни уйқуга ётишдан олдин қилсангиз яхши бўлади. Эрталаб туриб, юмшаган қадоққа ёғли крем суртиб, бир неча соатдан сўнг ювиб ташланг ва жилвиртош билан ишқаланг. Бу муолажани бир неча марта такрорласангиз, қадоқдан асар ҳам қолмайди.

Пиёз ёрдамида

Халқ табобатида пиёз қадоқни даволашда қуйидагича муолажадан фойдаланилади: ўртача катталиқдаги пиёзни пўстидан тозалаб, иккига бўласиз. Сўнг уни стаканга солиб устидан ботиб турадиган қилиб ошхона уксуси қўйиб, бир сутка иллик жойда сақлайсиз. Кейин пиёзнинг бир қатламини ажратиб олиб қадоққа босиб битиб билан боғлаб қўйинг. Ҳар кун икки мартадан, ҳар сафар янги пиёз қатламидан фойдаланиб муолажани қайтариб турсангиз, тез қунда қадоқнинг ўрни битиб кетади.

РЕЗА-РЕЗА ТЕР

Мабодо сиз доим терлаб юрсангиз, қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилинг:

● Меъридан ортиқ терлашнинг сабаби организмда гормонал балансинг, қалқонсимон без фаолиятининг бузилгани, кучли руҳий ҳаяжон ва зўриқиш бўлиши мумкин. Шу боис биринчи галда невропатолог, эндокринолог ва терапевт қабулида бўлинг.

● Одатда, хаяжонланганда одамни тер қоплайди. Бу вегетив асаб тизими фаолияти билан боғлиқ жараён.

● Эрталаб нонушадан сўнг маълум вақт ўтгач контраст душ (олдин илик, сўнг совуқ сувда ювининг), ҳафтада 2-3 марта оқарагай, розмарин, лаванда экстракти қўшилган ванна қабул қилинг.

Оёгингиз терлайдиган бўлса

1 литр сувни қайнатиб, унга 100 грамм майдаланган эман

пўстлогини солиб ва яна 15 дақиқа қайнатиб туринг. Ярим соат тиндириб қўйиб, сузиб олинг ҳамда 10 миллилитр 30-40% ли прополис настойкаси қўшинг. Сувнинг ҳарорати 38 даражагача тушгандан сўнг камда 20 дақиқа оёгингизни ванна қилиб ўтиринг. Муолажани 10 кун мобайнида ҳар кун бир мартадан бажариш керак.

Қўл терлаганда

100 грамм ошхона уксусига 1 чой қошиқда ош содаси қўшиб яхшилаб аралаштиринг. Аралашманинг

вижиллаши тўхтагач, унга ярим стакан сувда эритилган бура (рангсиз минерал) ва 30 грамм глицерин қўшинг. Ҳосил бўлган суюқлик билан қўлни яхшилаб артиб, 2-3 соат ўтгач болалар креми суртиб қўйинг. Шунингдек, қўл терлаганда ярим стакан сувга 1/4 чой қошиқ лимон шарбати ёки 1 литр сувга 1 чой қошиқ нашатир спирти қўшиб тайёрланган аралашмалардан бирида ёхуд қуюқ қилиб дамланган чойда ювиб туриш ҳам яхши самара беради.

Хаяжон босганда

Сизнинг тез-тез ва кучли терлаб юришингизга доимий хаяжон сабаб бўлса қуйидаги муолажани бажариб қўринг:

Доривор ўтлардан 100 грамм аралашма тайёрлаб олинг. Бунинг учун аралашманинг 1/3 қисмини жамбил, 1/4 қисмини қичитки ўт, 1/3 қисмини мойчечак, 1/4 қисмини қулмоқ(хмель ёнголлари) ташкил этиши керак. Аралашманинг устига 2 литр қайноқ сув қўйиб, маълум вақт тиндириб қўйинг. Сўнг сузиб олиб сув тўлдирилган ваннага қўйинг. 20-25 дақиқа ванна қабул қилиш керак.

ЭСЛАТМА: танангиздан ажралиб чиқаётган тер ўткир ачимсиқ ҳид таратмаслигини айтсангиз, нима истемвол қилаётганингизга ҳам эътиборли бўлинг. Кўпроқ мева ва сабзавотлар еб туриш керак.

ДАРМОН тайёрлади.



КЎНГИЛ ЎЗИДЕК КЎНГИЛ ИЗЛАР...

Истарали, ўзбекона кийиниши, гапириши ва ҳатто ўзини тутишларидан дид-фаросати намоён бўлиб турган бу аёл суҳбатдошини бефарқ қолдирмайди.

- Биласизми, хўжайиним яхши ишларда ишлаган, ҳурмати бор инсон. Мен ҳам узоқ йиллар илмий мудар бўлиб ишладим, - дея гап бошлади у. - Икки қиз, бир ўғлимиз бор. Уччаласи ҳам ўз касбига эга. Аммо тўнғич қизимнинг тақдирини бироз юрагимизга гашлик солади. Чунки унинг бахти кемтик, икки ширин қизалоғи тирик етим. Бунда мен ўзимни айбдор деб биламан. Чунки шу йигитга тегишга ўзим мажбур қилганим. Аммо барибир ажрашиб кетди.

- Нега бундай бўлди?
- Эри ичарди. Ичганда ҳам бўкиб ичарди.

- Қизингизни бераётганда сурштирмаганмисиз?

- Биз ҳозир яшаб турган жойимизга янги кўчиб келган эдик. Ҳа, бунда катта қизим айни мактабни битираётган эди. Унга совчилар кела бошлади ва улардан бири кўчамиздаги одимгина хонадондан эди. Мен қизимнинг яқингинада яшашини уйлаб уларни маъқул кўрдим. Лекин қизим ҳеч ҳам унамади. Атрофдагилардан сўраганимизда улар "бўлади" данд нарига ўттирмади. Хуллас, тақдириман, қизимни мажбурлаб шу оилга узатдим. Бо-

шида чиқиб турган жанжалларига оилада бўлади-да, деб аҳамият бермадим. Қизим фарзандли бўлди. Неча бор эри уйга олиб келиб ташлади. Гап-сўз бўлмасин, деб олиб бориб қўйдим. Жанжалнинг сабаби йўқ, баҳона топиб уриверарди. Охири бор кувдан сабабини сўраганимда «Қизингиз ҳам, унинг қизларини ҳам керак эмас. Мен ўғил туғиб берадиганига уйланаман», деди. Хуллас, улар ажрашишди. Кувимиз уйланди, аммо хотини яна қиз туғди. Қизим эса ўзини иш билан овутади. Ҳали энди 30 ёшга тўлди. Ана эшигинини орқасида турибди, киришга тортинаяпти.

Эшик ортида турган кўхликки-на Нилуфарни хонага чорладим. - Нилуфархон, орзулаган жуфтингизни қандай тасвирлайсиз?

- Эй, опаюн, қайта турмуш қурагани десам, яна ичадиган, урадиганига дуч келишдан қўрқаман. Фақат ота-онамни уйлаб бу ерга келдим.

- Ҳечам унақа деманг. Агар турмушга чиқсангиз қизларингизни ҳам олиб кетасизми?

- Агар тўридан-тўғри бизда қолади десам, қандай она ўз боласини ташлаб кетади, деган гап бўлиши мумкин, - қизининг ўрнига жавоб берди Нозима опа. - Биласизми, икки ширинтойни биз боқаяпмиз. Фақат қизимни тушунадиган инсон бўлса, умри шундай ўтиб кетмаса дейман-да...

Ешани 55 да деган эркакнинг эгнидаги кийимлари озодалигига қараб, ҳеч ҳам аёли йўққа ўхшатмадим. Лекин тақдир бу инсонни мустаҳкам оила, фарзандлар билан сийламаган экан.

- Гапнинг очиги, икки марта ажрашганман. Ўзим вилоятликману тошкентликларга уйлланганман. Биринчи мартасида аёлимнинг ниҳоятда молпарастлиги, нафси ўпқонлиги оиламизнинг бузилишига сабаб бўлди. Иккинчи сафар уйлланганимда яна кўнглимдаги дук бўлиб чиқмади. Унинг ўзига хон-ўзига беқлиги, кўнглига келганини қилиши, эрининг ҳурмати деган тушунчаси

йўқлиги мени ундан совутди. Ахири ажрашишдан бошқа иложим қолмади.

- Ишлайсизми, турар жойингиз?..

- Давлат идорасида ҳайдовчи бўлиб ишлайман, ортиқча даромадим йўқ. Ажрашганимдан кейин уйни сотиб, пулини бўлишиб олдик. Ҳаётимда ичмаганман, чекмаганман. Тинчгина, бир-бирини тушуниб, кадрлаб яшайдиган аёл бўлса... Иложи бори-ча вилотдан бўлса-ю, Тошкентга келиб яшайман, деган ёки яшаётган, оқила аёл керак. Фарзанди йўқ ёки улардан тинчиган, қолган умрини фақат ўзи учун ўтказадиган аёл билан танишсам, биргалашиб уй олардик.

- Отам ўзбек, онам қозоқ бўлган. Ўзим Тошкент вилотианданман. Ёшим 50 да, - дейди ўзини таништирган барварста эркак. - Фарзандларим ўз оиласи, ҳаётига эга. Мен эса ўзимни ёлғиз сезаман. Чунки хотиним билан ажрашганимизга жуда кўп бўлди. Уйласам, бундай ўтиб кетиш яхши эмас экан. Уйлаб-уйлаб сизлардан ёрдам сўрашга қарор қилдим.

- Шароитингиз, даромадингиз қандай?

- У-бу тирикчилигим бир қозонни қайнатади.

- Қандай аёлни қидираяпсиз?

- Туғиш ёшидаги аёл бўлса. Чунки эр-хотинни бола боғлайди.

- Фарзанди бўлса-чи?
- Битта қизи бўлса, маъқул эди. Миллатининг ҳам аҳамияти йўқ. Юртимизнинг қайси гўшасидан бўлса ҳам, айниқса кишлокда ёлғиз яшаётган аёл бўлса икки ёрти бир бутун бўлармидик...



26 ёшли қўшни қизининг саришта, муомалали, пазанда ва чиройлилигига қараб, бахти очилмаётганига ҳайронман. Балки бу унинг тортинчок, бошиқ қизлигидандир. Ўқимишли, келишган, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, тўй қилиб уйланадиган, яхши йигитларнинг онаси қиз қидириб тополмай юрганди, деб ўйлайман. Қўшни қизининг манзили тахририятда.

БАРЧИН, Тошкент.

Синглим 35 ёшга тўлган бўлса-да, анча ёш кўринади. Севган касбига ҳам эга. Фақат уни бахтли қила оладиган, 45 ёшгача бўлган, 1-2 фарзандли бўлса-да, дидли, ўқимишли, оилани тебратадиган тошкентлик эркак бўлса бас.

Манзилим тахририятда. ГУЛНОЗА, Тошкент.

Онамиз оламдан ўтгач, кенг ҳовлида ёлғиз қолган отамизнинг кемтик кўнглини тўлғасан олмаётганимиздан қийналамиз. Чунки биз қизлар ўз оиламиз билан, акамиз чет элда яшайди. Отамиз узоқ йиллар яшаган маҳалласи, касбандлик ва тикувчиликни жойига қўяман. 35 ёшлар атрофидаги, яхши хулқли, айбимни "Яратганимиз буюргани", деб билладиган тўрт муҷаси соғ инсон билан оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда. ҲАДИЧА, ХУСНИДА, Тошкент.

Тим қора кўзларига қуюқ қошу киприқлари ярашган дугонам бор. Олий маълумотли, диди баянд бу аёлнинг гўзал умри ёлғиз ўтаётганига ачинаман. Чунки эрининг гиёҳвандликка берилгани сабаб оиласи бузил-

ган. Ҳаётда кўп қийинчилик кўрдим. Менга қора сочили, думбок, мусулмон қизлар ёқади. Эрга тегмаган, 35 ёшгача бўлган одобли, татар, ўзбек, тожик миллатидан бирортасига мансуб бўлган қизга уйланоқчиман.

Манзилим тахририятда. ШОКИР, Тошкент вилоти.

Ёшим 52 да. Коллежда ишлайман. Уста дурадгорман. Хотинимнинг хиёнатига сабабли ажрашганимиз. Болаларим уйли-жойли бўлишган. Мени алоҳида уй-жойим бор. Ҳамма нарса етарли. Фақатгина оқила, фозила бир жуфтга муштоқман.

Манзилим тахририятда. АСАД, Бухоро.

Биз билан бир хонада ишлайдиган қиз жуда жозибали, хушбичим, ширинсўз. Унинг ширин таомлари, пиширилларини есангиз, таъми оғзинида қолади. Лекин шу пайтгача турмушга чикмади. 35 ёшгача бўлган,

ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, тўй қилиб оладиган, ўзи каби ўқимишли, тошкентлик, тушунган инсон бўлса, таништирадим.

Манзилим тахририятда. ХУЛКАР, Тошкент.

Қайним 39 ёшда. Унинг ҳавас қилгулик оиласи, 4 та фарзанди бор эди. Овсинимнинг "оёғи эгри" эканлиги маълум бўлиб қолди. Хиёнатни кечиролмаган қайним уйини, болаларига ташлаб, бошқа уй олиб, чиқиб кетди. Олий маълумотли, тадбиркор, келишган йигитнинг ҳаёти

қайта изига тушиб кетишини истаб, тахририятга муурожаат қилдик. Унинг буржи 27 ёки 31 ёшли қиз билан тўғри келаркан. Бахти кечиккан тошкентлик қиз бўлса тўй қилиб уйланоқчи.

Манзилим тахририятда. НАРГИЗА, Тошкент.

Холамнинг қизи 27 ёшда. Нозикдан келган, оппоққина, бўйчан қиз. Яшяигина касби ҳам бор. Мақсади - 32 ёшгача бўлган, уйланмаган, Сирдарёда ёки Тошкентда яшайдиган, уйи, иши тайин йигитга турмушга чиқаш. Агар шундай йигит бўлса, тахририятга муурожаат қилсин.

Манзили тахририятда. ДИЛСЎЗ

Ёшим 60 да. Аёлим билан келишмай ажрашганимизга ҳам 10 йилдан ошди. Қизларимни узатдим. Ҳозир ёлғиз яшайман. Олий маълумотлиман. Айни дамда ҳам ишлайман. Агар мен каби ёлғиз, 50 ёшлар атрофидаги аёл бўлса, турмуш қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда. СУРЪАТ, Тошкент.

Болагимизда ҳамширанингни нўноқлиги сабаб оқсаб юрадиган бўлиб қолганман. Шу айбим тўғайли ҳамон тенгим чиқмаяпти.

Ёшим 25 да. Олий маълумотли, яхши касбим борлиги билан бирга ҳамшираликни, пазандлик ва тикувчиликни жойига қўяман. 35 ёшлар атрофидаги, яхши хулқли, айбимни "Яратганимиз буюргани", деб билладиган тўрт муҷаси соғ инсон билан оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда. ХУСНИДА, Тошкент.

ган. Ҳаётда 5 ёш бўлган ўғли ҳозир 18 да. 45-48 ёшлар атрофидаги, олий маълумотли, тошкентлик эркак бўлса, оила қуриш ниятида.

Манзили тахририятда. ГУЛНОЗА, Тошкент.

Ёшим 48 да. Бўйим 175 см, вазним 70 кг. Ажрашганман. Ёлғиз яшайман. Уй-жойим, ҳовли-боғим, машинам бор. Мақсадим - меҳрибон бир аёлга уйланиб, оилали, фарзандли бўлиб, қаерда бўлса ҳам ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшашдир.

Маъмуружон ЮСУПОВ, Фарғона шаҳри, Главпочтамт, Мустақиллик кўчаси, 35 уй, индекс 150100, Талаб қилиб олгунча.

1974 йилда туғилганман. Буржойим қавс. Ажрашганман. Ёлғиз яшаш жуда қийин экан. Зора, мен ҳам ўз бахтимни топсам.

Манзилим тахририятда. ТОЛИБ, Сурхондарё вилоти.

Аёлимнинг охириги вақтларда базиларга, ичкиликка берилиб кетганлиги икки фарзандимни ташлаб чиқиб кетишимга сабаб бўлди.

Ёшим 35 да. Озгиндан келган, буғдолиранг йигитман. Мени тушунадиган, фарзанди йўқ аёл бўлса, уйланоқчиман.

Манзилининг аҳамияти йўқ. ШЕРЗОД, Тошкент.

Турмуш ўртоғим вафот этганида 35 ёшда эдим. Умримни икки ўғлимнинг келажагига бахшида қилдим. Улар ҳозир 25-30 ёшга боришди. Улар ҳам, мен ҳам давлат идораларида ишлаймиз. Аммо биз маълум сабабларга кўра бошпанасиз қолганимиз учун ўғилларимни уйлантиролмаганман.

Уйлаб кўрсам, бир елкадош, маслаҳатчи жуфтинг бўлмаса қийин экан. Шунинг учун ҳам турмушга чиқмоқчиман.

Ёшим 52 да. Оқишдан келган, сал тўлароқ, ниҳоятда дидли аёлман. Агар мени тушунган, фарзандларимга меҳр кўзи билан қарайдиган, тошкентлик 60 ёшлар атрофидаги эркак бўлса, манзилимни тахририятдан олсин.

СЕВАРА, Тошкент.

Турмуш ўртоғим вафот этган. Узоқ йиллардан бери ёлғиз қизим билан яшаб келаёпмиз.

Ёшим 50 да, қизим 21 да. Олий маълумотли, маъсул лавозимли аёлман. Моддий аҳволим ҳам ёмон эмас. Қизимнинг сарпо-сурғуи ҳам тахт. Фақат унинг тўйи бўлгач, ёлғиз қолишдан чўчийман. Олий маълумотли, келишган, топиш-тутиши етарли, фарзандларини жойлаган, 55 ёшгача бўлган тошкентлик эркак бўлса овоз берсин.

Манзили тахририятда. САЛИМА, Тошкент.

Дугонам тарбияли, ўқимишли қиз. Ёши 25 да. Иш жойи тайин. Табиатан босиқ қиз. Лекин ҳали тақдири очилмади. Ўзига мос йигит бўлса, таништирадим.

Манзилим тахририятда. ДИЛДОРА, Тошкент вилоти.

«Оила» бўлимизнинг ТЕЛЕФОНИ: 134-25-46

Саҳифани Матлуба ШУКУРОВА тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёмалдан таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШИ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Баш муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Баш муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Манзилимиз: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 934. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11000
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОХИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5